

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

АХМЕДОВА ШАХНОЗА АЗИМОВНА

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТЛАРИДА
ҲУДУДЛАР ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИДА МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТЛАРНИНГ РОЛИ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ
МИСОЛИДА)**

5A111001 – КАСБ ТАЪЛИМИ (МОЛИЯ)

**Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Р.А.Ботирова

Наманган-2014

Мундарижа

Кириш.....	3
 I боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва шаклланиш механизми	
1. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва зарурлиги.....	7
2. Маҳаллий бюджетлар шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	19
3. Маҳаллий бюджетлар ҳудудлар ижтимоий ривожланишини модернизациялашдаги роли.....	27
 II боб. Наманган вилояти маҳаллий бюджетини ижтимоий – иқтисодий ривожланишдаги роли	
1. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.....	40
2. Вилоят маҳаллий бюджети шаклланиши ва ишлатилиш йўналишлари.....	62
3. Вилоят бюджети фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.....	76
 III боб. Мавзуни ўқитиш методикаси	
1. Маъруза машғулоты методикаси.....	83
2. Амалий машғулоты методикаси.....	98
 Хулоса ва таклифлар.....	103
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	107
 Иловалар.....	110

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини бир катор омилларга боғлиқ бўлиб келмоқда. Ҳудудларнинг ривожланиши ёки тараққиёти бевосита молиялаштириш манбаларининг барқарорлигини тақозо этади. Бундай жараёнларда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ортиб боради. Чунки ҳудудларда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, ҳудудларни ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини, энг аввало унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларни ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг бош чоратадбирларидан ҳисобланади. Чунки мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка мамлакатимиз ҳудудларида юритиладиган ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълумдир.

Ўзбекистон Республикасида бюджетдан молиялаштириш амалиётини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ҳудудларда ижтимоий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммоларини устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилган ва бу соҳани молиялаштиришнинг йўллари ва қўшимча манбалари тавсия этилган.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Мустақил оилавий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаоллигини рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатига ўтказиш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда”.

Ҳудудларда ижтимоий ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлатнинг иқтисодий сиёсатида бевосита боғлиқ, чунки маҳаллий бюджетлар орқали давлатнинг вазифалари ёки функциялари амалга оширилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, магистрлик диссертация иши мавзуси модернизациялаш шароитларида ҳудудларда ижтимоий соҳаларни молиялаш манбаларини такомиллаштириш ва бу жараёнларда маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини оширишга эришишда долзарб ҳисобланади

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳудудларни ижтимоий ривожланиш масалалари ва бу жараёнда маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Ҳудудларнинг ижтимоий ҳаётини ўрганиш ва ривожлантириш хусусиятларини ягона тизимга келтириш;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш молиявий манбаларини такомиллаштириш;
- Ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришни молиялаш манбаларини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар аҳамиятини оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва методлари. Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоят маҳаллий бюджети ва унинг ҳудудларни ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳудудларда ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ва бюджет тизими бўғинлари орасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ўрганилган. Тадқиқотнинг методлари гуруҳлаш, кузатиш, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантиқий тавсифлаш ва тизимли ёндашишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишида маҳаллий бюджетларнинг ролини оширишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат:

- Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини белгиловчи ягона тизимлар ишлаб чиқилди;

- Мамлакатни модернизациялаш шароитларида ҳудудларнинг ижтимоий тараққиётини белгиловчи кўрсаткичлар аниқланди ва уларни молиялаштириш манбалари, молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини тадқиқ этилди;

- Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида мавзунини ўқитишнинг ўзига хос бўлган методик асослари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг родини ошириш ва молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация ишини бажариш жараёнида олинган илмий хулосалар ва таклифлар “Молия”, “Давлат бюджети”, “Молиявий менежмент” каби фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда ва олий, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича илмий раҳбар и.ф.н., доцент Р.Ботирова билан “Маҳаллий бюджетларни ҳудудлар ривожланишидаги аҳамияти” мавзусидаги илмий мақола “Иқтисодиёт ва таълим” журналида чоп этирилди.

“Маҳаллий бюджетларнинг мамлакат ижтимоий тараққиётини таъминлашдаги роли” мавзусидаги мақола “Бизнес-Эксперт” журнаliga чоп этиш учун тақдим этилди.

Диссертация ишининг таркибий тузилиши. Биринчи бобда мамлакатни модернизациялаш шароитида ҳудудларни ижтимоий ривожланиш масалалари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Иккинчи бобда Наманган вилоятида ҳудудий ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва молиялаштириш манбаларини амалдаги ҳолати тадқиқ этилган ва таҳлилий ёндашувларга асосланилган ҳамда мамлакатни модернизациялаш шароитларида ҳудудлар ижтимоий ривожланишида маҳаллий бюджетларнинг родини такомиллаштириш борасида таклифлар ва

мулоҳазалар асослаб берилган. Учинчи бобда мавзунини ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган.

I боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва шаклланиш механизми

1. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва зарурлиги.

Маҳаллий бюджетлар бюджет тизимида асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Маҳаллий бюджет — бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг таркибий қисми сифатида қуйидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

- қонунчилик базасини унификациялаш;
- пул тизими қурилиши, бюджетни таснифлаш тизими, бюджетнинг ҳисоб-китоб тизими, бюджет жараёни бирлиги;
- бюджет қурилишининг маъмурий - ҳудудий бўлинишига мослиги;
- давлат бюджетини ташкил қилувчи бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат даромадлар ва харажатларининг тенглиги (йўл қўйилиши мумкин бўлган бюджет тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда);
- давлат даромадлар ва харажатларининг аниқ манбалари ва йўналишларини режалаштириш;
- давлат бюджетининг харажатларини бюджет тизимининг қонунига кўра амалга ошириш;
- капитал ва жорий харажатларни бир-биридан ажратиш;
- бюджетлар мустақиллиги;
- тўғрилиги;
- ҳисоботларнинг бюджет ижроси тўғри бажарилиши устидан назорат.

Бюджет қонунчилиги бюджет тизимининг ҳар қайси бўғини томонидан молиялаштириладиган харажатлар тизимини олдиндан аниқ белгилайди.

Республика бюджети ихтиёрида умумдават аҳамиятидаги эҳтиёжларни ва у ёки бу маҳаллий бюджет имконияти доирасида бўлмаган харажатларни молиялаштириш бириктирилган.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг таркиби сифатида маҳаллий ҳокимият органлари бошқарув воситалари бўлади. Шу бугунги кунгача маҳаллий бюджетларни ташкил этиш, уларни бошқариш 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунига асосланар эди. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексига мувофиқ бюджет мустақиллиги амал қилади. Бюджет мустақиллиги тамойили, маъмурий-худудий бирликларнинг ваколатли органлари бюджет жараёнини мустақил амалга ошириши қонуний йул билан барча даражадаги бюджетларга даромадларни бириктириш ваколатли органлар томонидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ставкаларини ўзгартириш тушунилади.

Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги аҳамиятга моликдир. Бу борада Президентимизнинг фикр - мулоҳазалари диққатга сазовордир: “Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди”¹.

Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар молиявий манбаларини мустаҳкамлаш йўналишлари ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш учун маҳаллий бюджетларнинг ўз ва бириктирилган даромадларини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 208-б.

ошириш; давлатнинг марказлашган молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бюджетлараро муносабатларни мукаммаллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш, ҳудудий иқтисодиёт муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини берувчи маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида айнан шундай ёндашувлар мужассамлашган.

Фикримизча, Бюджет кодексининг қоидалари қуйидаги масалаларни самарали ечимлари учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратмоқда:

- маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджетга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга ва рағбатлантиришни таъминлаш. Ҳақиқатдан ҳам, маҳаллий бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинadиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари учрамоқда;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг устиворлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилларидан бири - аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланаётган тўловлар ҳажми ошиб бормоқда;

- маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларнинг ошиб бориши.

Маҳаллий бюджетлар орқали ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари молиялаштириб борилади. Маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Қарийб аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари тўлиғича маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

Амалдаги иқтисодий сиёсат стратегик йўналишларидан келиб чиққан ҳолда жойлардаги ислохотларни амалга оширишда давлат бюджетининг роли ғоят муҳимлиги табиий ҳолдир. Шунга асосланган ҳолда давлатнинг марказлаштирилган пул фондларининг асосий шаклларида бири бўлган давлат бюджети муносабатларини шакллантириш ва бюджет ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини ҳудудлар бўйича тақсимланишининг умумий механизмлари бюджетлараро муносабатлар тизимида ўз аксини топади.

Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 52-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларини шакллантириш масалалари ёритилган. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ умумдават солиқлари, шу жумладан:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ягона солиқ тўлови;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер қазидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

2) маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан:

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

- транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

- мол-мулк солиғи;

- ер солиғи;

- ягона ер солиғи;

- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

3) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

4) бозорлардан тушадиган даромадлар;

5) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказиб берилади.

Иқтисодий мазмуни жиҳатидан маҳаллий бюджетларнинг даромадлари шаклланиши Республика бюджетига нисбатан алоҳида хусусият касб этади. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан ташқари молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича юқори бюджетлардан келиб тушадиган даромадлар ҳисобига ҳам шакллантирилади.

Бириктирилган даромадлар – бюджет ҳуқуқининг субъектига тегишли маблағлар, яъни бюджетга тўлалигича ёки қатъий ўрнатилган улушда доимий равишда келиб тушадиган маблағлардир.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида Умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар салмоғи юқоридир. Мазкур даромад манбалари асосий умумдавлат солиқлари ҳисобланувчи қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, даромад (фойда) солиғидан меъёрий ажратмалар шаклида маҳаллий бюджетларга бериладиган даромадлар ҳисобланади. Уларнинг салмоғи маҳаллий бюджетлар даромадларининг тахминан ярмидан кўп қисмини ташкил қилади.

Бюджет қонунчилиги бюджет тизимининг ҳар қайси бўғини томонидан молиялаштириладиган харажатлар тизимини олдиндан аниқ белгилайди. Республика бюджети ихтиёрида умумдавлат аҳамиятидаги эҳтиёжларни ва у ёки бу маҳаллий бюджет имконияти доирасида бўлмаган харажатларни молиялаштириш бириктирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 71-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг харажатлари ёритилган. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети,

вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабдан ташқари таълим, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқа ёрдамчи ва услубий таълим муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

- болалар уйлари, давлат болалар шаҳарчаларини сақлаб туриш, қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги ёрдамчи хизматлар ва мақсадли тадбирлар харажатлари;

- республика шोшилиш тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, қон қуйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти филиалини, ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ёрдамчи ташкилотларини сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари;

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

- ҳудудий маданият ва спортни бошқариш органлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш,

шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирларни амалга ошириш харажатлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги архивларни сақлаб туриш харажатлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйлари, пансионатлари ва санаторийлари, ногиронларни реабилитация қилиш марказларини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек мақсадли тадбирлар харажатлари;

- шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўловчиларни ва бағажни чекланган тарифлар бўйича ташиш, шунингдек алоҳида тоифадаги фуқароларни имтиёзли ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат органларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш;

- уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- сув йўлларининг айрим техник участкаларини сақлаб туриш;

- аҳоли пунктларини ободонлаштириш;

- шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, шунингдек айрим ташкилотлар харажатлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўрмон хўжалигини сақлаб туриш харажатлари;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, шу жумладан:

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;

6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет ссудалари, дотациялар, субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ажратилиши мумкин.

Ушбу Кодексининг 72-моддасига асосан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

- туман (шаҳар) халқ таълим муассасалари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларини, шунингдек улар

тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари;

- туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларини ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати туман, шаҳар муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

- қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

- туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўйича бўлимлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга тайинладиган ҳамда тўладиган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам, табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

- ветеринария лабораториялари ва ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш станцияларини сақлаб туриш;

- шаҳарларнинг ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш;

- уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари;

3) туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

4) фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

5) бошқа харажатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Кодекснинг 73-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тушадиган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари миқдори асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидир.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларидан қўшимча маблағлар ажратилиши таклиф этилаётган мақсадлар учун Давлат бюджетда ҳам маблағлар назарда тутилган бўлса, тегишли захира жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар фақат илгари тегишли бюджетда назарда тутилган маблағлар сарфлаб бўлинганидан кейингина киритилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларидан маблағлар ажратилган тадбирлар муайян муддатга эга бўлса, фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугаганидан кейин ўн иш куни ичида тегишли захира жамғармасига тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармасидан ажратилиб, молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ажратилган маблағлар молия йили тугагач тегишли бюджетга тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармасидан маблағлар олувчилар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органларига тегишли захира жамғармасидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида маҳаллий бюджетларга белгиланадиган чекловлар тўғрисида ҳам белгиланиб қўйилган. Хусусан, маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш ва ижро этишда:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;
- маблағ жалб қилишни амалга оширишга, юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно;
- ўз бюджетлари харажатларига тасдиқланган бюджетдан ажратиладиганидан ортиқча маблағ сарфлашга, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар беришга;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

2. Маҳаллий бюджетлар шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2014 йил 1 январдан амалга жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси мамлакатимиз бюджет соҳасида бир қанча ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Кодекснинг қабул қилиниши бюджет тизими янги моделининг муҳим хусусиятларини белгилаб берди. Кодекснинг қабул қилиниши орқали маҳаллий бюджетлар ва уларнинг бўғинлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзгаришга, бюджет сиёсати, стратегик йўналишларини белгилашда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ўсишга ва умуман маҳаллий бюджетлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш амалиётига маълум ўзгаришлар киритилди.

Бюджет амалиётинининг ҳуқуқий асослари яратилгач, жаҳон андозалари таоаблари асосида бюджет жараёнини ташкил этиш ва бошқариш имкониятлари яратилди.

Давлат бюджет сиёсати вазифаларини амалга оширишда бюджет амалиётида шаклланиб бораётган тенденциялар, қонуниятлар қаторида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш лозим:

- Давлат молиясини бошқариш ва давлатнинг молиявий ресурс имкониятлари таркибида давлат бюджети маблағлари аҳамиятининг ўсиши;

- Маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ортиши, улар зиммасидаги бюджет харажатлари кўламининг ўсиши;

- Маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ўсиши натижасида улар ҳуқуқлари ва молиявий имкониятларини ошириш муаммосининг кескинлашуви.

- бюджет бўғинлараро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг замонавий усуллари, шакллари ҳамда тамойилларини амал қилишини таъминлаш аҳамиятининг ортиши.

Бюджет тизими тараққиётидаги ушбу қонуниятлар маҳаллий бюджет бўғинлари олдига муҳим вазифаларни қўяди. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши ҳамда шу билан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғинининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди. Шунга кўра маҳаллий бюджетларни шаллантириш ва бошқариш амалиётидаги илгари амал қилган қатор ҳолат ва тадбирлар такомиллаштирилди ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йил 414-сонли Қарорида маҳаллий бюджетлар самарали фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирни ҳамда қонунда белгиланган маҳаллий бюджетларнинг тақчиллигига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур 2 ҳуқуқий асос, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш амалиётига кескин ўзгаришлар киритилишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси қабул қилинган, бюджет тизими бўғинлари, шу жумладан маҳаллий бюджетлар фаолияти мукамал ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур Кодекснинг 35-моддасига асосан, “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси

туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради. Вилоятлар маҳаллий бюджетлари тузилмасига вилоят бюджети, тегишли вилоятлар туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради”².

Ушбу Кодекс асосида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги мустақил субъектларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджет;
- Шаҳарлар бюджети;
- Туманлар бюджети;
- Туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети;
- Шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети.

Кодекс ҳар қайси бюджет бўғини учун риоя қилиниши лозим бўлган асосий тамойилларни белгилайди, яъни асосий қуйидагилар:

- бюджет таснифи ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Бюджет жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг муҳим босқичи бўлиб, бюджет ижросини ташкил этиш ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар бўйича бюджет ижросини ташкил этиш ва бошқариш, бюджет тизими ҳамда бюджетлараро муносабатларнинг янги моделида ўзига хос хусусиятларга эга. Бюджет ижроси бюджетнинг нафақат даромад базаси тўлиқ шаклланишни ёки харажатларнинг тегишли йўналишлар бўйича ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширилишини, балки ҳар қайси муаммонинг яхлитлигини, доимий ўсиб бориш қонуниятига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бюджетнинг тараққиётини ҳам ҳисобга олиши заруриятини қўяди.

² Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2014 йил 1 январдан кучга кирган.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб берилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 300 дан ортиқ мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси давлатининг мустақилликка эришиши сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли янада ошди.

Маҳаллий бюджет даромадлари нисбатан маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқ ва йиғимларни йиғиб олиш имконияти, ҳамда юқори давлат органларининг ҳудудларга молиявий ёрдам бера олиш имконияти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат томонидан олиб борилаётган молия-бюджет сиёсати билан бевосита боғлиқликдир.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ааваламбор бириктирилган даромадлардан, турли хилдаги йиғинлардан ва умумдават солиқларидан ажратмалар шаклида ташкил топади.

Давлат маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун қўшимча молиявий ресурсларни ажратади ҳамда шу орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва маҳаллий идораларининг давлат молиявий ресурсларини яратиш, улар манбаларини белгилаш соҳасидаги ваколатлари махсус қонунлар билан белгиланади. Қонунчиликка кўра давлат ва маҳаллий даромадлар тизими ягона ҳолда ифодаланади, чунки давлат ва маҳаллий даромадларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213-моддасига мувофиқ давлат мулки, республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан иборат. Шу туфайли маҳаллий давлат идоралари бюджети ҳам мустақил бўлиб, юқори турувчи давлат идоралари бюджетининг таркибий

қисми бўлиб ҳисобланмайди. Аммо бу нарсa марказлаштирилган тартибда бюджет масалаларига ёндошишни истисно қилмайди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган солиқларни, бошқарув тизимини аста-секин миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўзлаштирмоқда.

Маҳаллий бюджет стратегияси - Давлат томонидан ҳудудларни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий стратегиясини белгилаб берадиган узоқ истиқболга мўлжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган молиявий дастур бўлиб, у бюджет тараққиётининг асосий омилларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди.

Бюджет стратегияси узоқ муддатли мақсадларни танлаш ва мақсадли программаларни зарур маблағ билан таъминлаш, улар ривожланишларининг асосий йўналишларини мужассамлаштириш йўлларини белгилайди.

Маҳаллий бюджет тактикаси - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида бюджет муносабатларини ташкил этиш усуллари орқали амалга оширилади.

Давлатнинг қисқа ва узоқ муддатларга белгиланган, бюджет орқали амалга ошириладиган молиявий сиёсати бюджет сиёсати дейилади. Белгиланган режаларини, яъни давлат ўзи амалга ошириш учун қонун (қарор) чиқариш йўли билан бюджетнинг даромад ва харажатларига таъсир этади. Шу йўл билан бюджет орқали давлатнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан янги-янги муносабатлар юзага келади.

Давлатнинг корхоналар, тақшиллотлар ва аҳоли билан солиқлар орқали юзага келадиган молиявий муносабатлари - бюджет муносабатлари дейилар экан, солиқларга ҳос бўлган белги ва вазифалар бюджет сиёсати орқали амалга ошади. Мамлакатнинг бюджет жамғармасини ташкил қилиш ва ишлатиш бўйича бюджет муносабатлари йиғиндиси давлат бюджет механизми тушунчасини ҳосил қилади.

Бюджет механизми давлат бюджет сиёсатининг ҳақиқий тимсоли сифатида иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ҳал этишда бюджет муносабатларини аниқ йўналтирувчиси ҳисобланади.

Бюджет механизми давлат бюджет сиёсатини амалга оширишнинг актив куроли бўлиб ҳисобланади. у ҳақида мамлакат бюджет жамғармасини ташкил бўлиш манбаалари ва ишлатиш йўналишларини акс эттирувчи бюджетнинг даромад ва харажатлари моддаларига қараб фикр юритиш мумкин.

Бюджет ҳуқуқи республика бюджет тизимини, бюджет тизими даромадлар ва харажатларини тақсимлашни таркиби ва тартибини, давлат ва ҳудудий-маъмурий бўлинмалар ҳуқуқ даражасини ва бюджет харажатини тартибга солувчи молиявий ҳуқуқий нормативлар йиғиндисидир.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ифодалаб берувчи асосий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори;
3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида кўзда тутилган йиллик даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича бюджет ижроси жараёнида киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги 1025-сонли йўриқнома;
4. Солиқ кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Бюджет Кодекси 192 моддадан иборат бўлиб, давлат бюджети тузилмаси таркибида маҳаллий бюджетлар тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини, бюджетни тузиш принципларини, бюджет тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини, бюджетнинг даромадларини шакллантириш ва харажатларни амалга ошириш тамойилларини, давлат

бюджети тизимига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорида маҳаллий бюджетлардан маблағ олувчи ташкилотлар мустақиллигини кенгайтириш, масъулиятини ошириш мақсадида уларга:

- ҳуқуқий шахс мақомини бериш;
- бюджет маблағларидан ташқари қўшимча даромад топиш;
- бюджет ташкилотларини ривожлантириш мақсадида махсус жамғарма

ташкил қилиш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

- ижтимоий жамғарма ҳисобидан фойдаланиш тартиби;
- харажатларни гуруҳларга ажратиш;
- қатъий гуруҳлар тартибига риоя қилган ҳолда молиялаштириш

вазифаси юклатилди.

1025-йўринқномада бюджет жараёни давомида маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари ҳажмини чораклар бўйича тақсимооти тартиби, капитал қўйилмаларни бюджетдан маблағ билан таъминлаш тартибини, юқори бюджетдан қуйи бюджетларга субвенициялар, қисқа муддатли бюджет ссудалари бериш тартиби, бюджет жараёнида қўшимча олинган ва аниқланган даромадларни қўшимча харажатларга йўналтириш тартиблари кўрсатилган.

Иқтисодиёт эркинлашуви жараёнида маҳаллий бюджетлар ролини оширишга давлат томонидан алоҳида аҳамият ажратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 434-сонли ҳамда 437-сонли қарорлари шулар жумласидандир. Ушбу қарорларга асосан Республика аҳолисининг ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, кўп фарзандли қисмига моддий ёрдам ва нафақалар тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи

маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрига берилиб, маҳаллий бюджетлар томонидан маблағ ажратилади ҳамда назорат қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёзларни белгилайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузади;

- бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни ташкил этади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар даромади режасидан ортиқ бажарилган қисми, айланма касса маблағлари меъёрдан ортиқ сақланган қисми, товар моддий бойликларнинг нормадан ортиқ захираси қиймати, бюджет йили якунига даромадларнинг харажатлардан ортиқ қисми маҳаллий ҳокимиятлар органлари қарорига асосан маҳаллий бюджетларга ўзгартиришлар киритилиб, қўшимча харажатлар учун молиялаштириш ҳуқуқи берилди.

Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бюджет Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрганиб чиқилиб, бошқа вазирликлар билан мувофиқлаштирилади ва тасдиққа тайёрланади.

Маҳаллий бюджетлар параметрлари лойиҳаси тўғрисида Республика халқ депутатлари, Республика Олий Мажлис Сессиясида молия вазири, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси сессиясида, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоят, шаҳарлар, туманлар халқ депутатлари сессияларида тегишли ҳудудлар молия бошқармалари бошлиқлари ва молия бўлимлари мудирлари томонидан маъруза қилинади. Маърузаларда қуйидагилар баён этилади.

1. Ўтган йилги бюджет ижроси;
2. Янги йилги бюджет параметрлари;
3. Бюджетлар даромадалари ва харажатлари ҳақида;
4. Бюджет камодаи ва уларни қоплаш ҳақида ва ҳ.к.

Маҳаллий бюджетлар параметрлари сессиясилар иштирокчилари томонидан кўриб чиқилиб, тегишли таклиф ва мулоҳазалар билдирилади. Шулар асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Сессияда кўриб чиқилган бюджетлар параметрлари кўпчилик овоз билан маъқуллангач, тасдиқланади. Тасдиқланган бюджет Бюджет йили учун ижрога қўйилади. Бюджет йили Ўзбекистон Республикаси календарь йили билан тўғри келади. Яъни 1 январдан бошланиб, 31 декабр якуни билан тугайди. Маҳаллий бюджетлар даромад қисмининг бажарилиши бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади. Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан харажатлар қисмининг бажарилишини назорат қилинади.

3. Маҳаллий бюджетлар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини модернизациялашдаги роли.

Мамлакатимизнинг барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг

ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Илом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан

кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг ҳозирги кундаги амалиёти иқтисодчилар олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бажарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир: биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт доирасидаги муаммоларнинг кескинлашувига йўл қўймаслик ва иккинчидан, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда уларни имкониятларини яхшилашнинг зарурлиги. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини муваффақиятли ва молиявий инқирозларсиз ҳал этиш маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлигини, шу жумладан, улардаги инвестицион, солиқ, валюта имкониятларининг бир текис тақсимотини талаб этади ва бу нисбатдошликда ҳудудларнинг иқтисодий

фаоллиги рағбатлантирилиши лозим».³ Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳудудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар имкониятларини янада ошириш заруриятини кўрсатмоқда.

Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар молиявий манбаларини мустаҳкамлаш йўналишларининг илмий тадқиқи ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади. Ушбу заруриятни онгли тарзда мушоҳада этган ҳолда изланишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинганки, улар қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- Маҳаллий бюджетлар имкониятларининг мазмуни, омиллари ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятини тадқиқ этиш.

- Янги шароитларда маҳаллий бюджетларни «молиявий тенглаштириш» сиёсати орқали бошқаришнинг дастаклари амал қилиши хусусиятларини таҳлил этиш.

- Бюджетлараро муносабатлар амалдаги механизмида маҳаллий бюджетлар имкониятлари шаклланишининг омилли, комплекс таҳлилини амалга ошириш.

- Маҳаллий бюджетлар ривожланиш истиқболларини белгилашда улар имкониятларини ошириш йўналишлари бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш юзасидан ислохотлар қуйидаги долзарб масалаларни ўз ичига олиши лозим: маҳаллий бюджетларнинг ўз ва бириктирилган даромадларини ошириш; давлатнинг марказлашган молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; бюджетлараро муносабатларни мукаммаллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш; бюджет жараёни ва янги бюджет таснифини такомиллаштириш; ҳудудий иқтисодиёт муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини берувчи маҳаллий

³ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. // Қишлоқ ҳаёти, 2004 й., №20 (6701), 2-б.

бюджетлар самарали ижросини таъминлаш механизмини яратишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Бу жараён бевосита маҳалли бюджетларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Чунки мамлакат ҳудудларида мамлакат аҳолиси истиқомат қилади. Бу жараённинг молиявий манбаси бўлиб маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар олдига Ўзбекистон Республикасининг “Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури” бир қатор вазифаларни қўяди. Чунончи дастурда белгиланган асосий йўналишлар:

- мамлакатимизда қабул қилинган жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

- таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

- қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

- аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

- мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

- банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш, маҳаллий ҳокимият органларини ушбу бюджетларни тузиш, ижро этишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқдир. Кўп давлатларда, жумладан, Францияда бюджетлар ижроси Молия Вазирлигининг таркибига кирувчи Давлат Ғазначилиги бошқармаси томонидан олиб борилади. Бюджет ижроси давомида тушган даромадлар ва белгиланган йўналишда уларни харажат қилиш ушбу бошқарма томонидан олиб борилади.

Бюджет ижроси давомида бошқармага, хазинада мавжуд бўлган маблағларни, ҳаракатда бўлган банк фоизлари даражасида банк муассасаларига кредит маблағлари сифатида сотиш ҳуқуқи қонун асосида белгиланган. Бу ўз навбатида вақтинча бўш турган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, кўшимча даромад тушириш, молиявий бозорга таъсир этиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон шароитида ҳам маҳаллий бюджетлар ижроси давомида маҳаллий бюджетларда мавжуд бўлган бўш маблағларни қисқа муддатларга (бюджет йили чегарасида), банк муассасаларига сотиш имконияти мавжуд. Бу бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳокимиятларнинг маҳаллий бюджетларни бажаришдаги маъсулиятини ошириш, уларни шу соҳадаги мустақиллигини кенгайтириш билан бирга олиб борилиши керак.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини солиқлардан келадиган тушумлар ташкил қилади, шу сабабли солиқ тизими фискал функциясининг кучайиши, корхоналар молиявий аҳволининг оғирлашувига олиб келади. Шунинг учун сўнгги йилларда республикада солиқ тизимининг рағбатлантирувчи вазифасини оширишга, корхона ва ташкилотларнинг солиқ юкини камайтириш сиёсати олиб борилмоқда. Ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, экспортни кўпайтириш, чет эл капитали кириб келишини рағбатлантириш мақсадида солиқлардан имтиёзлар сақлаб қолинди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг мавжуд имкониятларидан яна бири - бу жойларда аҳолининг иқтисодий активлигини оширишга имкониятлар яратиш, шунингдек жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириб бориш билан боғлиқдир. Жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадини солиққа тортиш ставкалари маҳаллий ҳокимиятлар томонидан мустақил ўрнатилади. Бунда энг авваламбор ставка ўрнатишда барча яқка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар учун тенг шароит яратиш, даромадларни тўлиқ солиққа тортилишини таъминлаш зарурдир. Шунингдек, ушбу солиқ ставкаларини инфляция даражасига қараб ўзгартириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва солиқ қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилиб боришига қарамай, маҳаллий ҳокимиятлар, маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришдаги имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаяптилар. Маҳаллий солиқлардан тушаётган даромадлар маҳаллий бюджет даромадларида имкониятдагидан паст салмоққа эгадир. Бу нафақат маҳаллий солиқларни жорий қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик билангина эмас, балки маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишда қўлланилаётган амалиёт билан ҳам боғлиқдир.

Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш мақсадида ажратмалар ажратиш фоизининг вилоятлар ва йиллар бўйича ўзгариб туриши, ундан маҳаллий бюджет ҳокимиятларини молиялаштиришда уларнинг даромадлар режаси ва бажарилиши билан боғлиқлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятларни бюджет даромадларини ошириб боришдаги иқтисодий қизиқишларини чеклаб қўймоқда. Бюджет ижроси давомида, маҳаллий бюджетларни даромадлар режасини ўзгартириш орқали маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилаётган харажатларини даромадлар билан таъминлаш амалиётидан воз кечиш лозим. Энг асосийси, бюджет даромадларини

режалаштиришда ҳудуднинг солиқларни йиғиш имкониятини тўғри белгилаш муҳимдир. Бунда молия органларини бюджет даромадлари тушиши билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари режасининг бажарилмаганлиги натижасида тушмай қолган даромадлар ўрни, фақатгина юқори бюджетдан бериладиган қарзлар ҳисобига қопланиши лозим. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи, ҳеч бўлмаганда 8-10 йилга ўзгармас бўлиши керак, бу орқали эса маҳаллий ҳокимиятларни ушбу даромадлардан (солиқлардан) тушадиган даромадларни кўпайтириб биришдаги манфаатдорлиги оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ривожланишнинг ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари самарали ижросининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, яъни корхоналарни ишга тушириш, замонавий технологияларни жорий қилиш орқали иқтисодий масалаларни, бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш натижасида ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини беради. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш, бюджет даромадларини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда айниқса ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш катга аҳамиятга эга.

Маълумки, маҳаллий ҳокимиятларни ўзларига тегишли ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилган.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини янада мустаҳкамлашда бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири - маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини оширишдан манфаатдорлигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мулкка, ерга, ресурсларга солиқ солиш ва юқорида кўрсатилган бошқа турдаги тушумлар алоҳида ўрин тутди.

Маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим манбаси-жисмоний шахслар даромад солиғини маҳаллий бюджетларга бириктириб қўйилишидир. Шунингдек, солиқлар қаторида солиқсиз йиғимлар ҳам бюджетларнинг муҳим манбаси бўлиб қолиши керак. Чунки, солиқ юкини ошириш чегараланганлигини ҳисобга олсак, бу муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришнинг имкониятларидан яна бири, бу маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджетларига қарз маблағларини жалб қилишнинг қонуний асосларини яратиш билан боғлиқдир. Бунда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан маҳаллий облигацияларни, маҳаллий векселларни чиқариш кўзда тутилмоқда. Бу, албатта, ўз навбатида бошқариладиган фаолият бўлиши керак.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган барча давлатларни бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш жараёнида тартибга солувчи солиқлар турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммосига олиб келган. Чунки айнан тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаштиришдаги асосий манба бўлиб қолмоқда. Жаҳон банки мутахассисларининг фикрича,¹ солиқ тушумларини тақсимлаш амалиёти бюджетлараро муносабатларни ва бюджетларни шакллантириш механизмининг ислоҳ қилишни қийинлаштиради. Чунки бунда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарор бўлмайди, солиқ йиғимларини ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини оширишдан манфаатдорлик бўлмайди.

Мамлакатимизда бир қатор иқтисодчи-олимлар ўзларининг илмий ишларида умумдавлат солиқларининг маҳаллий бюджетларга ажратмалари нормативлари узоқ муддатли ва барқарор бўлиши зарурлиги хусусида тўхталиб ўтганлар.² Хусусан, диссертант С.Жубаев тадқиқида узоқ муддатли нормативларни ёқлаган, Б.Жўраев ўзининг илмий ишида ушбу нормативларни 3 йил муддатга, диссертант А.Маманазаров эса 5 йил муддатга доимий қилиб

¹ Джонатан Данн ва Дебора Ветцель Собиқ социалистик мамлакатларда бюджет номарказлашуви: натижалари ва истиқболлари. 2000 йил маърузаси.

² Масалан, С.Джубаев, Б.Жўраев, А.Маманазаровлар ўзларининг номзодлик диссертацияларида мазкур фикрни маъқуллаганлар.

белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топган. Бу фикрларда, албатта, жон бор. Лекин, бизнинг фикримизча, нормативларни 3-5 йилга ўзгармас қилиб белгилаб қўйиш ана шу янгиликдан кутилган самарани олиш, уни таҳлил қилиш ва тегишли назарий ҳамда амалий хулоса чиқариш учун етарлича муддат эмасдир. Маълум бир кўрсаткични жорий этиш ва унинг амалда қандай самара берганлигини таҳлил қилиш учун бир мунча узоқроқ муддатни талаб этади ва босқичма-босқич тадбирлар белгиланиши лозим ва мақсадга мувофиқроқ бўлур эди.

Ушбу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишдаги биринчи даражали тадбир - бу маълум муддатга (8-10 йилга) ягона барқарор нормативларнинг жорий этилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ва субвенцияларни ҳамда бошқа молиявий ёрдам турларини қисқартириш мақсадида, бизнинг назаримизда режадан ортиқча тушган солиқ суммаларини тақсимлаш механизмни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Бунда режадан ортиқча солиқ тушумларини маҳаллий бюджетларда қолдириш нормативларини ишлаб чиқиш ва қонуний тасдиқлаш керак. Ҳозирги вақтда режадан ортиқча тушумлар республика ва маҳаллий бюджетларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, умуман тизимсиз усулда тақсимланмоқда. Ягона барқарор нормативлар жорий этилганда субвенцияларнинг ошиши кейинчалик солиқ тушумларининг ҳам ошиши билан қопланиши мумкин. Ушбу омил маълум вақт тафовути билан амалга ошади, чунки солиқ тушумларини ошириш бирданига самара берса, ҳудуд солиқ салоҳиятини ошириш солиқ тушумларини маълум бир вақт (2-3 йил) ўтгандан кейин кўпайтиради.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, тартибга солувчи солиқларнинг таклиф қилинаётган узоқ муддатли нормативларга асосланган тақсимот тартибидаги қуйидаги афзалликларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- бюджет ошқоралигининг ошиши;

- маҳаллий бюджетлар даромад қисмини барқарор ва бир маромда шаклланиб боришининг таъминланиши;

- маҳаллий бюджетлар тахминларининг яхшилаб, янада реаллашувининг таъминланиши;

- солиқ тушумларини кўпайтиришга қизиқишнинг кескин ортиши ва бюджет боқимандалирини қисқартирилиши учун ҳамда солиқ салоҳиятининг ошиши учун замин яратилиши;

- бюджет параметрларини ишлаб чиқишдаги келишувчилик амалиётининг кескин камайиши учун шарт-шароитнинг яратилиши.

Шу билан бирга режадан ортиқча солиқ тушумларини маълум вақт мобайнида тасдиқланган ягона норматив асосида тақсимлаш, бир томондан режадан ортиқча солиқларни йиғишда манфаатдорликни оширади ва иккинчи томондан эса республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлайди ҳамда субвенциялар ҳажмини камайтиради.

Юқори иқтисодий ва солиқ салоҳиятига эга бўлган вилоятлар бюджет даромадларининг харажатларидан ошиб кетган қисмини 50:50 нисбатда тақсимланиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

- солиқларни йиғишдан манфаатдорликни юқори даражада сақлаб қолиш, уларни кўпайтиришга ва ҳудудда солиқ базасини янада кенгайтириш;

- мутаносиблашган бюджетга эга бўлган ёки кичик миқдордаги бюджет тақчиллигига эга бўлган ҳудудларни солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини янада ошириш.

Бизнинг фикримизча, маълум вақт мобайнида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга амалга ошириладиган ажратмаларнинг барқарор ягона нормативларини жорий этиш маҳаллий бюджетларнинг молиявий тенглаштириш жараёнини ислоҳ қилишда, уни такомиллаштириб жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳудудларнинг бюджетдан амалга ошираётган харажатларининг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларни давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи республика бюджетидан

йиғилган даромадларни бир қисмини қайта тақсимлашни талаб қилади. Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишда дотациядан фойдаланилади.

Илгари Ўзбекистонда бундай восита сифатида Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга берилаётган субвенциялардан фойдаланилган.

Субвенция ўз моҳияти жиҳатидан давлат бюджети ҳисобидан муҳим хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларига ажратилган мақсадли пул маблағларидир.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларга субвенция давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида олиб бораётган сиёсатини амалга оширишдаги маҳаллий ҳокимият органларининг иштирокини тегишли пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида берилаяпти.

Субвенция маҳаллий бюджетларни даромадлари ва харажатларини мослаштирувчи усул сифатида камчиликларга эга. Маҳаллий бюджет даромадларининг бу манбаи маҳаллий ҳокимият органларида боқимандачилик кайфиятини юзага келтиради, маҳаллий ҳокимиятларни кўшимча даромад топиш, ўз даромадларини кўпайтиришдаги қизиқишларини сўндиради, бюджетлар даромад қисмини бажариш имкониятларини чеклабгина қолмай, молиявий назоратни пасайишига шароит яратади. Аммо шунга қарамасдан маҳаллий бюджетларни керакли маблағлар билан таъминлаш усули сифатида ундан воз кечиш ҳам мумкин эмас.

Сўнгги йилларда юқори бюджетлардан ўзаро ҳисоб-китоблар асосида бериладиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда салмоқли ўринни эгалламоқда. Бунинг келиб чиқиш сабаблари:

- давлат томонидан маҳаллий бюджетларни бюджет йили давомида даромадлар ва харажатларни доимо мослаштиришга ҳаракат қилиш;
- баҳоларни ошиб кетиши таъсири остида харажатларни кўпайиши.

Амалиётда умумдават аҳамиятидаги солиқлар бўйича бюджетда кўзда тутилган режаларни ортиғи билан бажарган ҳудудларга, ушбу солиқ режаларни

ортиқ қилиб белгилаш орқали ушбу солиқлардан ортиқча тушган маблағлар ва республика бюджетига олиниб, тартибга солувчи солиқлардан белгиланган режаларни бажармаган хуудларга шу даромадлар ва харажатларни молиялаштириш мақсадида берилади. Албатта, баҳоларнинг ўсиши натижасида харажатларнинг ошиши ва ушбу харажатларнинг тегишли маблағлар билан таъминлаш зарурияти ҳам юқори бюджетдан бериладиган маблағларни юзага келтиради.

Бюджет ижроси давомида кўплаб ўзгаришларнинг киритилиши, имконияти кенг хуудлардан режадан кўпроқ тушган маблағларни йиғиб олиб, уларни бошқа хуудларга берилиши, албатта хуудларнинг бюджет даромадларини бажаришдаги манфаатдорлигини чеклаб қўяди ҳамда боқимандачилик кайфиятини кучайишини келтириб чиқаради. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни шакллантиришда уларни даромадларини бажаришдаги барча имкониятларини, харажатларни режалаштиришда инфляция даражасини аниқроқ ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

II боб. Наманган вилояти маҳаллий бюджетини ижтимоий – иқтисодий ривожланишдаги роли.

1. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2013 йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» вазифаларини амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2013 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланган (1-жадвал).

1-жадвал

**Наманган вилоятида 2012-2013 йил якунлари бўйича иқтисодий
ислохотлар бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2012 йилга нисбатан %да
1.1.	Ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)	млрд.сўм	3759,2	4969,4	111,2
1.1.1.	Аҳоли жон бошига ЯҲМ	минг сўм	1540,9	2002,8	109,3
1.2.	Саноат маҳсулотлари ҳажми	млн.сўм	1289310,0	1629558,9	112,5
1.3.	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	млн.сўм	819227,9	1013946,2	113,9
1.4.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	1836400,0	2429177,4	108,1
1.5.	Капитал қўйилмалар ҳажми	млн.сўм	741990,8	1016733,1	121,7
1.6.	Пудрат ишлари ҳажми	млн.сўм	547939,9	726715,4	116,6
1.7.	Чакана савдо айланмаси	млн.сўм	2268806,3	2898569,7	117,1

1.8.	Пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми	млн.сўм	790244,3	1076477,5	119,3
	<i>шу жумладан, маиший хизмат ҳажми</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>115856,3</i>	<i>138898,6</i>	<i>115,3</i>
1.9.	Маҳаллий бюджет даромадлари	млн.сўм	891985,9	1095139,9	122,8
1.10.	Маҳаллий бюджет харажатлари	млн.сўм	932004,1	1125092,9	120,7
	Транспорт:				
1.11.	Юк айланмаси	млн.т.км.	1261,4	1331,0	105,5
1.12.	Йўловчи айланмаси	йўловчи.км.	3362,8	3385,5	100,7
1.13.	Ташишдан тушган фойда:				
1.13.1	<i>Юкдан</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>124557,3</i>	<i>147397,6</i>	<i>118,3</i>
1.13.2.	<i>Йўловчилардан</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>147963,5</i>	<i>204048,7</i>	<i>137,9</i>
1.14.	Ташки савдо айланмаси	минг \$	222159,5	263800,0	114,3
1.14.1.	<i>Экспорт</i>	<i>минг \$</i>	<i>87028,8</i>	<i>102500,0</i>	<i>117,8</i>
1.14.2.	<i>Импорт</i>	<i>минг \$</i>	<i>135130,7</i>	<i>161300,0</i>	<i>112,1</i>
1.15.	Йил охирига доимий яшовчи аҳоли сони	минг киши	2458,8	2504,0	101,8
1.16.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	минг киши	1469,5	1498,7	102,0
1.17.	Бандлик хизматидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони	киши	4800	986	20,5
1.18.	Ўртача иш ҳақи (декабр ойи)	сўм	728000	914700	122,3


Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) ўсиш суръати 11,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ

хўжалиги 8,1 фоиз, капитал қўйилмалар 21,7 фоиз, қурилиш ишлари 16,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 17,1 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 19,3 фоизга ўсиши таъминланган (2-жадвал).

Наманган вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 10,8 фоизни (2012 йил якунида 9,9%), қишлоқ хўжалиги 36,8 фоизни (34,8%), қурилиш 7,0 фоизни (7,5%), транспорт ва алоқа 8,9 фоизни (9,3%) ва бошқалар 36,4 фоизни (38,5%) ташкил этган (1-чизма). Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 79,5 фоизга (78,4%) тўғри келган.

1-чизма

**Наманган вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби ҳолати динамикаси,
% ларда**



Вилоят аҳолисини арзон, сифатли мева-савбзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида агро соҳада борилаётган тадбирлар натижасида 2013 йил якуни билан 574,6 минг тонна савбзавот (прогнозга нисбатан 100,8%), 207,3 минг тонна картошка (110,2%), 63,5 минг тонна полиз (111,5%), 182,0 минг тонна мева (115,2%), 98,6 минг тонна узум (112,7%), чорвачилик маҳсулотларидан 99,8 минг тонна гўшт (ўтган йилга нисбатан 107,0%), 498,7 минг тонна сут (107,4%), 217,4 млн.дона тухум (127,6%), 521,0 тонна асал (135,7%) ва 1742,0 тонна балиқ (152,0%) ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз параметрлари таъминланди.

Наманган вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар	2012 йил			2013 йил			Дефлятор %
		ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	3759,2	110,0	100,0	4969,4	111,2	100,0	132,2
	шу жумладан:							
2	Саноат ишлаб чиқариш	373,8	111,1	9,9	538,9	108,4	10,8	144,2
3	Қурилиш	280,7	110,2	7,5	349,0	116,1	7,0	124,3
4	Қишлоқ хўжалиги	1307,7	107,0	34,8	1826,5	108,9	36,8	139,7
5	Транспорт ва алоқа	348,3	111,6	9,3	443,9	107,0	8,9	127,4
6	Савдо ва умумий овқатланиш	348,0	109,6	9,3	443,4	114,5	8,9	127,4
7	Солиқлар	120,3	111,5	3,2	159,2	111,9	3,2	132,3
8	Бошқалар	980,4	112,8	26,1	1208,6	114,5	24,3	123,3
	шу жумладан;							
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	78,4	х	х	79,5	х
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	х	44,5	х	х	42,2	х

Шунингдек, аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни янада кондиритиш мақсадида 2013 йил якуни билан 81 та қорамолчилик фермер хўжалигида 4611 бош қорамол, 613,9 минг бош парранда боқишга ихтисослашган 44 та паррандачилик, 264,6 гектар сунъий сув хавзалар майдонида 58 та балиқчилик хўжаликлари, 643 та фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларида 12980 та асалари оилалари ташкил этилиб, шу орқали ички истеъмол бозорини гўшт, тухум, балиқ, асал маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855-сонли қарорига асосан 2013 йилда марказлашган маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича реконструкция ҳисобига 6 та (объектнинг тендер қиймати 14853,0 млн.сўм) соғлиқни сақлаш муассасалари, реконструкция ҳисобига 4 та, капитал таъмирлаш ҳисобига 6 та жами 10 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 1 та академик лицей, реконструкция ҳисобига 10 та ва капитал таъмирлаш ҳисобига 13 та жами 23 та умумтаълим мактаблари, таълим соҳасида жами 34 та (20366,8 млн.сўм) ҳамда 36 та ичимлик суви (10180,0 млн.сўм) объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади ва бу мақсадлар учун жами 45399,8 млн.сўм маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

2013 йил якуни билан марказлашган маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича реконструкция ҳисобига 6 та (12991,0 млн.сўм) соғлиқни сақлаш муассасалари, реконструкция ҳисобига 4 та, капитал таъмирлаш ҳисобига 7 та (1 та академик лицей билан) жами 10 та (7379,4 млн.сўм) касб-ҳунар коллежлари, реконструкция ҳисобига 11 та ва капитал таъмирлаш ҳисобига 13 та жами 24 та (14294,7 млн.сўм) умумтаълим мактаблари ҳамда 36 та ичимлик суви (11037,7 млн.сўм) объектлари бўйича маблағлар ўзлаштирилди ва бу мақсадлар учун жами 45672,8 млн.сўм маблағ ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, вилоятда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан жами 13 та жумладан, 3 та мусиқа ва санъат

мактаблари, 7 та мактаблар учун спорт зал, 3 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби объектлари учун жами 13226,8 млн.сўм маблағлар ўзлаштирилиб, барча объектлар фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Шунингдек, янги қурилиш ва реконструкция қилиш ҳисобига Наманган муҳандислик технология институтида 400 ўқувчи ўринли янги ўқув блок ва реконструкция ҳисобидан 400 ўринли ётоқхонасини фойдаланишга топширилиши таъминланди. Амалга оширилган ишлар ҳисобига 7630,2 млн.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Шу билан бирга, вилоятда кишлоқ хўжалиги майдонларида суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан 17 та тик дренаж мелиоратив кудуқларни ҳамда 5 та объектларда коллектор ва дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

2013 йил якуни билан объектларда 16 та мелиоратив тик дренаж кудуқлари ўрнатилиб, 81 км узунликдаги коллекторлар реконструкция қилинди. Мазкур ишларни бажарилишига жамғарма ҳисобидан 7015,6 млн.сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855-сонли қарори асосида вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 5 та лойиҳа доирасида жами 35,72 млн. доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар доирасида йил якуни билан 4,2 млн.доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.

Жумладан,

1. Фарғона минтақасида Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп инвестиция тизимларида геологик-қидирув ишларини олиб бориш лойиҳасига 2013 йил давомида 10,22 млн.доллар миқдорида хорижий инвестиция киритиш белгиланган.

Лойиҳа бўйича 2012 йил 24 декабрда Бошқарув қўмитасининг йиғилиши бўлиб, лойиҳанинг 2013 йилги бюджети ва йиллик дастури тасдиқланди. Ҳозирда бурғулаш майдонида рекультивация ва утилизация ишлари охирига етказилди.

Шу билан бирга, Инвестор томонидан лойиҳанинг 1-босқичини якунлаш ҳамда 2-босқичга ўтмаслик юзасидан “Ўзбекнефтгаз” МХКга геологик-қидирув ишларини олиб бориш юзасидан Келишувни бекор қилиш бўйича Келишув лойиҳасини тақдим этди.

2013 йилда ушбу лойиҳа бўйича 0,46 млн.доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

2. Мингбулоқ конида геологик қидирув ишларини олиб бориш ва тажриба-синов углеводород қазиб олиш лойиҳасига 2012 йилда 5,0 млн.доллар миқдорида хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа бўйича 2012 йил 20 декабрда Ҳукумат қарори қабул қилинди. Ҳозирда лойиҳанинг назорат-режаси тасдиқланди. Мазкур лойиҳани амалга оширилишида чегирма ва бошқа ташкилий ишлар борасида келишув олиб борилди. Ушбу масала юзасидан Республика Иқтисодиёт ва Молия вазирликларидан ижобий хулосалар олинди. “Фарғона НКИЗ” унитар шўъба корхонасига углеводород етказиб бериш бўйича нархлар “Ўзбекнефтгаз” МХК билан “CNODC” компанияси ўртасида Келишув имзоланди. Лойиҳа молиялаштирилмаганлиги сабабли якуний тендер-танловлари ўтказиш ишлари кечикмоқда (кредит маблағлари Хитой банклари томонидан “CNODC” компанияси кафолати остида ажратилиб, банклар билан музокаралар олиб борилмоқда).

Ҳозирда мазкур лойиҳа асосида Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

3. Мис ва бошқа ёндош металллар конларини аниқлаш мақсадида вилоятидаги Ғова ҳудудида геология-қидирув ишларини амалга ошириш лойиҳасига 2013 йилда 1,0 млн.доллар миқдорида хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа бўйича 2012 йил 5 ноябрда “Наманган вилояти Гова худудида мис ва бошқа ёндош металлларни аниқлаш бўйича геология-қидирув ишлари лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1848-сонли қарори қабул қилинди. 2012 йил 23 ноябрда “Рио Тинто” компанияси билан геологик ўрганишлар ўтказиш бўйича келишув имзоланди. 2012 йил 20 декабрда белгиланган тартибда “Gava Exploration” МЧЖ 5 йил муддатга белгиланган ер майдонини фойдаланиш учун лицензия берилди. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш тармоқ жадвали тасдиқланди. Ҳозирда Геология Давлат қўмитаси билан “Gava Exploration” МЧЖ ҳамкорликда геология-қидирув ишлари Дастури ва бюджети, ишларни бажариш режа-графиғи тайёрланган.

2013 йил учун белгиланган 1,0 млн. доллар миқдорида хорижий инвестиция жалб этилиши ҳисобига геология-қидирув ишлари олиб борилди. Ҳозирда лойиҳа асосида ишларни 2014 йилда давом эттирилиши режалаштирилмоқда.

4. “Водий ипаги” МЧЖда ипак ва аралаш матолар ишлаб чиқариш 1-босқич лойиҳасига 2013 йилда 2,5 млн.доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

“Водий ипаги” МЧЖ мулкӣ мажмуасини сотиб олиш учун умумий қиймати 8,2 млрд.сўм тўловларни графикка асосан 8 йил давомида шу жумладан, ушбу сумманинг 50 фоизини дастлабки 3 йилда тўлаб боришини ҳисобга олган ҳолда, 2012-2016 йиллар давомида лойиҳага камида 10,0 млн.долл. инвестиция киритиш белгиланган.

2013 йилда хом-ашё пилла сотиб олиш, технологик асбоб-ускуналар учун эҳтиёт қисмларни импорт қилиш, ажратилган 200 га ерда тут плантацияларини яратиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда. 3 тонна ипакни экспортга чиқариш учун шартнома имзоланган.

2013 йил якуни билан 1,0 млн.дона хорижий тут кўчатлари келтирилиб, 100,0 га майдонда тут плантацияси ташкил этилди. Вилоятдаги 9 та худудий пиллаҳоналардан 392,0 тн пилла хом-ашёси сотиб олинди. Шу бирга,

1124,5 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 253,7 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳисобот даврида корхона томонидан 2684,1 минг доллар миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди.

5. “Арт Софт Текс” МЧЖ негизда тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўқимачилик комплекси ташкил этиш лойиҳасига 2013 йилда 17,0 млн.доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилиб, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан ижобий хулоса олинди. Хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилиб, 14 феврал куни 60-сонли реестр раками билан Ўзбек-Хитой “Арт Софт Текс” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтди. Ҳозирда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган 18 гектар ер ажратиш масаласи Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал бўлиб, айни пайтда инвесторлар билан музокара ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ҳудудий инвестиция дастурига асосан 2013 йилда 11 та лойиҳа бўйича 13,4 млн.доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилган. 2013 йил якуни билан 22 та лойиҳа доирасида 16,9 млн. долл. ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.

Жумладан, Наманган туманидаги “AISHA HOME TEXTILE” қўшма корхонасида момиқ маҳсулотлар ва момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 3,0 млн.долларлик тўқувчилик жиҳоз-ускуналари ва қисмлари келтирилиб корхона ишга туширилди.

Наманган туманидаги “TURBO PLAST PLUS” қўшма корхонасида полимер маҳсулотлар (пенопласт) ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси бўйича хорижий ҳамкор томонидан корхона Низом жамғармасини шакллантириш учун 93,2 минг доллар миқдорида инвестиция киритилган. Шунингдек, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 155,0 минг.долларлик


жиҳозлар келтирилиб, 2013 йил якуни билан 248,2 минг доллар ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиб 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2013 йил 4 январдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1902-сонли қарорига асосан вилоятда 2013 йилда 11 та туманда 34 массивларда 700 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Барча массивларга экологик ҳулосалар олиниб, лойиҳалари “Наманган-инвестлойиҳа”, “Намангансаноатлойиҳа”, “Архдизайнлойиҳа” институт-лари томонидан тайёрланди. Лойиҳалар давлат қурилиш экспертизасидан ўтказилиб, 700 та уйлар 69 та лотларга бўлиниб тендер савдоларига қўйилди. Тендер савдоларида 200 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари қатнашиб, булардан 69 та пудрат ташкилотлари тендер ғолиблари деб топилди. Ушбу пудрат ташкилотлари билан жами 94695,2 млн. сўмлик шартномалар имзоланди (2-чизма).

2-чизма

**2013 йилда яқка тартибда уй-жой қурилишига йўналтирилган
маблағлар ҳажми, млрд. сўм**



2013 йил якунида 700 та якка тартибда уй-жой қурилиши ҳисобидан, Мингбулоқ туманида – 4,6 млрд. сўмлик; Косонсой туманида – 11,8 млрд.сўмлик; Наманган туманида – 11,0 млрд. сўмлик; Норин туманида – 4,4 млрд.сўмлик; Поп туманида – 10,8 млрд.сўмлик; Тўрақўрғон туманида – 9,8 млрд.сўмлик; Уйчи туманида – 9,9 млрд.сўмлик; Учқўрғон туманида – 10,1 млрд.сўмлик; Чортоқ туманида – 10,1 млрд.сўмлик; Чуст туманида – 9,9 млрд.сўмлик; Янгиқўрғон туманида – 10,9 млрд.сўмлик, жами бўлиб, вилоят бўйича – 103,4 млрд.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

2013 йил якуни билан 105,0 млрд.сўм миқдорида инвестиция жалб этилиб, 103,4 млрд.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 700 та ёки 97,4 минг кв.м. ҳажмида турар-жой уйлари фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Вилоятда 2013 йил якуни бўйича фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 2950 тани ташкил этиб, улар томонидан ҳисобот даврида 1629,6 млрд.сўмлик (112,5%) саноат маҳсулотлари, 1013,9 млрд. сўм (113,9%) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, прогноз (112,1 ва 113,2%) параметрлари таъминланди (3-жавдал).

3-жадвал

Наманган вилоят саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	Ўзгариш муръати, %
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	1289310,0	1629558,9	112,5
1.1.	Нодавлат секторида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	- // -	1289310,0	1629558,9	112,5
	Худудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	- // -	487743,3	574832,7	121,4
1.2.	Саноат корхоналари сони	бирлик	2887,0	2950,0	102,2

	шундан фаолият кўрсатаётгани	- // -	2269,0	2350,0	103,6
	шу жумладан,				
	Йирик саноат корхоналари	- // -	34,0	35,0	102,9
	шундан фаолият кўрсатаётгани		34,0	35,0	102,9
	Кичик корхоналар	- // -	2853,0	2915,0	102,2
	шундан фаолият кўрсатаётгани		2235,0	2315,0	103,6
	Саноат корхоналаридаги ишчилар сони	минг киши	15,9	17,0	106,9
1.2.1	Республика тасарруфидаги корхоналар:				
	сони	бирлик	30,0	30,0	100,0
	и/ч маҳсулот ҳажми	млн.сўм	801566,7	1054726,2	102,8
1.2.2	Худудий тасарруфдаги корхоналар сони:				
	сони	бирлик	6,0	5,0	83,3
	иш/ч маҳсулот ҳажми	млн.сўм	487743,3	574832,7	121,4
2.	ХИМ ишлаб чиқариш	млн.сўм	819227,9	1013946,1	113,9
	<i>шу жумладан</i>				
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	млн.сўм	497990,1	529435,1	101,9
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	- // -	279564,7	435601,2	134,9
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	124660,6	191085,9	129,8
	Вино-ароқ ва пиво ичимликлари	- // -	41673,1	48909,8	102,9
3.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ХИМ	сўм	335,8	408,6	112,0
	шу жумладан				
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	минг.сўм	204,1	213,4	100,2
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	- // -	114,6	175,6	132,6
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	51,1	77,0	127,6
	Вино-ароқ ва пиво ичимликлари	- // -	17,1	19,7	101,2
4.	Тармоқлар бўйича маҳсулот ҳажми	млн.сўм	1289310,0	1629559,0	112,5

	Электроэнергетика	- // -	-	69307,9	107,4
	Ёкилғи саноати	- // -	49112,9	9821,6	0,0
	Металлургия саноати	- // -	2760,8	8247,1	77,0
	Рангли Metallургия саноати		-	59,8	0,0
	Химия ва нефть химияси саноати	- // -	12982,2	16019,3	108,4
	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	- // -	130124,8	160624,5	110,0
	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз-целлюлоза саноати	- // -	24191,4	35196,2	116,3
	Қурилиш материаллари саноати	- // -	42534,4	67364,5	121,8
	Фарфор-фаянс саноати	- // -	3,6	6,8	138,0
	Ойнасозлик саноати (ойнадан медицина жихозлари ишлаб чиқариш билан биргаликда)	- // -	0,0	-	-
	Енгил саноат	- // -	489219,0	635352,4	115,7
	Озиқ-овқат саноати	- // -	399932,7	443517,8	101,4
	Ун-крупа ва комбикорма саноати	- // -	125424,6	120996,6	103,5
	Микробиология саноати	- // -	-	-	-
	Медицина саноати	- // -	265,3	31702,3	2,3 м
	Полиграфия саноати	- // -	5289,4	1578,4	134,5
	Бошқа тармоқлар	- // -	7468,9	29763,8	3,7 м

Наманган вилоятида иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида энг аввало юқори салмоққа эга енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик ва қолган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурлари бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳисобот даврида енгил саноат тармоғида 115,7 фоиз, озиқ-овқат саноатида 101,4 фоизни ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғи енгил саноат (39,0%) ва озиқ-овқат саноати (27,2%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар бўйича кўрилганда, Наманган тумани (125,8%), Норин (138,0%), Уйчи (133,4%), Чортоқ (124,1%) ва Янгиқўрғон (121,0%) туманларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин кўпайган бўлса, Косонсой (115,2%) ва Чуст (113,4%) туманларида ўртача ўсиш тенденциялари кузатилди.

Шу даврда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 656,7 минг сўм (110,6%) ва аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 408,6 минг.сўм (112,0%) ни ташкил этиб, 2012 йилнинг шу даврига нисбатан мос ҳолатда 128,2 минг сўм ва 72,8 минг сўмга кўп бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2013 йил 28 январдаги 8-сонли баёни топшириғига асосан “Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури” ишлаб чиқилди.

Дастури доирасида 2013-2015 йилларда 782 та лойиҳалар (шундан 2013 йилда 393, 2014 йилда 372 та, 2015 йилда 17 та) ишга тушириш ҳисобига 225,9 млн.долларлик инвестициялар ўзлаштириш ва 18095 та янги иш ўринлари барпо этиш белгилаб олинди.

Ушбу дастурга асосан 2013 йилда умумий қиймати 50,1 млн.долларлик инвестиция маблағларини жалб этиш ҳисобига 393 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 7582 та янги иш ўринларини ташкил этиш белгиланган.


Амалга оширилган ишлар натижасида 393 та лойиҳалар тўлиқ фойдаланишга топширилиб, бу мақсадлар учун жами 52,0 млн.доллар (шундан 29,1 млн.доллари ўз маблағи, 17,9 млн.доллари банк кредити ҳамда 5,0 млн доллари хорижий инвестиция) миқдорида маблағлар ўзлаштирилди ва натижада 7582 та янги иш ўринлари барпо этилди (4-чизма).

Жумладан, тармоқлар бўйича енгил саноат йўналишида 23,7 млн. долларлик 124 та лойиҳа (3792 та иш ўрни), озиқ-овқат йўналишида 11,3 млн.долларлик 127 та лойиҳа (1392 та), қурилиш материаллари саноатида 9,7 млн.долларлик 103 та (1612 та), чарм пойабзал йўналишида 1,8 млн.

долларлик 11 та (217 та), машинасозлик йўналишида 2,8 млн.долларлик 8 та (191 та), фармацевтика соҳасида 515,0 минг долларлик 2 та (60 та), химия ва нефтхимия соҳасида 1,0 млн.долларлик 4 та лойиҳалар (98 та), мебел ва қоғозни қайта ишлаш соҳасида 1,3 млн.долларлик 14 та лойиҳалар (220 та) фойдаланишга топширилди.

4-чизма

Наманган вилоят саноат тармоқларининг 2013 йилдаги муҳим кўрсаткичлари



Дастур асосида йирик лойиҳалардан “Norin Mechanical Plant” МЧЖда велосипед, “Aisha Home Textile” ҚКда момиқ сочик, “Чошгоҳ” МЧЖ ва Кап-текс МЧЖларда калава ип ҳамда қурилиш материалларидан “Namangan China Industry” ҚКда электрод, “Leasing Bonus” МЧЖда шифер, машинасозлик йўналишида “Экстра Пример Бат” ХКда аккумулятор, енгил саноат йўналишида “Истиклол Текстил Дизайн” МЧЖда эркаклар учун галстук, “Чоркесар инвест” ХКда аёллар рўмоллари, чарм пойабзали йўналишида “Дарина Обув” ҚК ва “Дийдор Люкс Текстил” МЧЖларда аёллар пойабзали, “Нафис Чарм” ХКда эркаклар ременлари, “Ёшлик

Пойабзал Савдо” МЧЖда болалар пойабзали каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш Дастури доирасида 2013 йилда жами 28 та корхонада 51 та лойиҳалар бўйича (2013 йил 30 апрелдаги ПК-1961-сонли қарорга асосан янги лойиҳалар киритилган) жами 171,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 24,0 млн.доллар миқдорида чет эл валютасини иқтисод қилиниши белгиланган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 2013-2015 йиллар давомида умумий қиймати 34,8 млн.долларлик 397 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 3000 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Булардан 209 тасини 2013 йилда амалга ошириш ҳамда ушбу мақсадлар учун 23,2 млн.доллар миқдорида (шундан 10,5 млн.доллари банк кредити) маблағлар сарфланиб, 1984 та янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган (4-жадвал).

4-жадвал

Наманган вилоят қишлоқ хўжалик тармоқларининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	Ўзгариш суръати, %
1.	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млн.сўм	1836389,5	2429177,4	132,3
1.1.	деҳқончилик маҳсулотлари	млн.сўм	1138425,2	1623183,1	142,6
1.2.	чорвачилик маҳсулотлари	млн.сўм	697964,2	805994,3	115,5
2.	Шундан: ялпи маҳсулот				
2.1.	фермер хўжаликларида	млн.сўм	561171,4	742680,0	132,3
2.2.	деҳқон хўжаликларида	млн.сўм	1259413,3	1662755,7	132,0

Ҳисобот даврида 21,8 млн доллар (шундан, 5,3 млн доллар банк кредитлари) маблағ ўзлаштириш ҳисобига 901 та (4,3 марта кўп) лойиҳалар ишга туширилиб, 2568 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Жумладан, қорамолчилик йўналишида 83 та лойиҳалар ҳисобига 3680 бош қорамол (вилоят бўйича жами 559,2 минг бош), паррандачилик йўналишида 42 та лойиҳалар ҳисобига 567,9 минг бош парранда (2489,2 минг бош), 679,2 гектар майдонда 58 та балиқчилик хўжаликлари (11,6 минг гектар), 643 та асаларичилик хўжаликларида 12361 та асалари оилалари (33,1 мингта асалари оиласи), 296,7 гектар майдонда янги токзорлар (13,4 минг гектар) ҳамда 352,4 гектар майдонда янги интенсив боғлар (745,0 гектар) барпо этилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш йўналишида 2013 йил давомида умумий қиймати 32,4 млрд сўмлик 442 та хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш белгиланган. 2013 йил якуни билан жами 2043 та объектларни ташкил этиш учун 36,1 млн доллардан ортиқ маблағлар йўналтирилиб, 4151 та (2,7 марта кўп) ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шу жумладан, 715 та чакана савдо, 90 та умумий овқатланиш корхонаси, 28 та гузар, 122 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 269 та сартарошхона, 117 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш, 19 та суратхона, 30 та мебел ясаш ва таъмирлаш, 104 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш устахоналари, 67 та маиший техника таъмирлаш устахоналари ва 482 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилган.

Вилоятда 2013 йил якуни билан 263,8 млн. долларлик (2012 йилга нисбатан 114,3%) ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 102,5 млн.долларни (117,8%), импорт 161,3 млн. долларни (112,1%) ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Наманган вилоят ташқи савдо таркиби, минг АҚШ доллари

№	Кўрсаткичлар номлари	2012 йил	2013 йил	Ўзгариш суръати, %
1	Ташқи савдо айланмаси - жами	222159,5	263800,0	114,3
	Экспорт	87028,8	102500,0	117,8

	Импорт	135130,7	161300,0	112,1
	Қолдиқ	-48101,9	-58800,0	х
2	Экспорт таркиби	87028,8	102500,0	117,8
	- пахта толаси	8022,6	8957,5	111,7
	- химия саноати маҳсулотлари	204,9	254,3	124,1
	- қора ва рангли металлар	333,4	412,6	123,8
	- машина ва ускуналар	500,5	635,4	127,0
	- озиқ-овқат маҳсулотлари	15942,8	17265,7	108,3
	- энергия ресурслари	31,2	65,4	209,6
	- хизматлар	12350,9	13548,4	109,7
	- бошқалар	49642,5	53515,7	107,8
3	Импорт таркиби	135130,7	161300,0	112,1
	- озиқ-овқат маҳсулотлари	16634,8	16875,2	101,4
	- химия саноати маҳсулотлари	37085,8	37563,7	101,3
	- қора ва рангли металлар	11850,9	12064,1	101,8
	- машина ва ускуналар	56830,5	57363,4	100,9
	- энергия ресурслари	713,2	806,4	113,1
	- хизматлар	896,2	916,7	102,3
	- бошқалар	11119,4	12687,5	114,1

Худудий экспорт дастурига асосан минтақа тасарруфидаги экспортёр корхоналар томонидан 2013 йил якуни билан 33,3 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиниб, ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 1,8 мартага, белгиланган прогнозга нисбатан эса 101,6 фоизга бажарилиши таъминланди.

Жумладан “Само текстил сервис” МЧЖда 2543,3 минг доллар (142,5%), “Афруз Камол Наби” МЧЖ 330,9 минг доллар (132,4 %), “Zamin Lyuks tekstil” МЧЖ 433,4 минг доллар (194,0%), “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ 266,4 минг доллар (183,7%), “Истиклол Текстил Дизайн” МЧЖда 370,0 минг доллар (112,1%) корхоналари томонидан экспорт прогнози ортиғи билан бажарилди.

Вилоятда экспорт фаолиятини юритувчи корхоналарнинг сафи барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йилда экспорт амалларини бажарувчи корхоналар сони 82 тани ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни билан уларнинг сони 12 тага ортиб, 94 тани ташкил этган.

Ҳисобот даврида вилоятдаги экспортёр корхоналар сони ортиши билан бир каторда янги турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Хусусан, 2013 йилдан бошлаб вилоятдаги “Нам лидер литё сервис” МЧЖда (44,9 минг доллар) алюмин профиллар, “Иронлит” МЧЖда печлар учун темир колонналар (20,4 минг доллар), “Рост Строй Инвест” МЧЖда (564,2 минг доллар) гипс маҳсулотлари, “Голден Ринг” ХКда махсус кийим кечаклар (27,9 минг доллар) ва “Натурал Джус” МЧЖда (495,1 минг доллар) томат пастаси, “Намсиб Агробизнес” ҚКда бодом, ёнғоқ уруғидан ёғ (15,8 минг доллар) каби янги турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш йўлга қўйилган.

2014 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 70 тани ташкил этиб, қўшма корхоналарнинг 56 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 3 таси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида, 3 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, 3 таси телекоммуникация, 4 таси қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва 1 таси фармацевтика соҳаларда фаолият кўрсатмоқда (6-жадвал).

6-жадвал

Наманган вилоятида қўшма корхоналар тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	Ўзгариш суръати, %
1.	Руйхатдан ўтган хорижий инвестиция асосида ташкил этилган корхоналар сони	бирлик	61,0	70,0	114,8
	<i>шу жумладан:</i>				
	-фаолият юритаётганлар	бирлик	54,0	63,0	116,7
	-вақтинча ишламаётганлар	бирлик	7,0	7,0	100,0
	-ташкил этилаётганлар	бирлик	6,0	13,0	216,7
	-бутунлай фаолиятини тўхтатганлар	бирлик	2,0	4,0	200,0
2.	Ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	326526,0	342766,6	105,0

2.1.	Минтақада жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан улуши	%	29,4	29,7	х
3.	Экспорт ҳажми	минг \$	33225,0	45893,1	138,1
3.1.	Минтақа жами экспортига нисбатан улуши	%	39,1	48,5	х
4.	Импорт ҳажми	минг \$	72653,0	74652,0	102,8
4.1.	Минтақа жами импортига нисбатан улуши	%	45,7	41,3	х

Охирги 5 йил давомида вилоятда ҳар йил ўртача 5 тадан қўшма корхоналар ташкил этилган бўлса, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга яратилаётган имтиёз ва преференциялар ҳисобига 2013 йилда вилоятда 13 та янги қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади.

Жумладан, 2013 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида Ўзбек-Хитой “Арт Софт Текс” қўшма корхонаси (сочик маҳсулотлари ишлаб чиқариш), Ўзбек-Корея “Solar Energy Grand” қўшма корхонаси (қуёш батареялари), Ўзбек-Россия “Namangan Lyuks Teks” қўшма корхонаси (трикотаж буюмлари), Ўзбек-Хитой “Pure Line Lux” қўшма корхонаси (енгил метал конструкциялари), Наманган туманида Ўзбек-Хитой “China Namangan Industry” қўшма корхонаси (электрод), Ўзбек-Польша “Volna Eco” қўшма корхонаси (тикув машиналар), Уйчи туманида Ўзбек-Туркия “Vodiy Ipak Gilami” қўшма корхонаси (гилам маҳсулотлари), Тўрақўрғон туманида Буюк Британиянинг “Oxford Nuts” хорижий корхонаси (мева сабзавот), Шотландиянинг “FT Textile Group” хорижий корхонаси (тикувчилик маҳсулотлари), Поп туманида Ўзбек-Молдова “Temur-Transper-Imrex” қўшма корхонаси (ип газламалари), Ўзбек-Россия “Pap Footwears” қўшма корхонаси (пойабзал), Учқўрғон туманида Ўзбек-Англия “Uchkurgan Textil” қўшма корхона (ип газлама), Чуст туманида Ўзбек-Корея “Vision Development” қўшма корхонаси (қурилиш конструкциялари) фаолиятини бошлади.

Ҳисобот даврида вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 375,6 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 фоизга ортиб,

минтақада ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлардаги улуши 23,1 фоизга етди (2012 йилнинг мос даврида 22,6 фоиз).

Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда. 2013 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 79,5 фоизни ташкил этди (2012 йилда– 78,4 фоиз).

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

Вилоятда 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига жами 14447 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) руйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 102,1 фоизга ортди (7-жадвал).

7-жадвал

**Наманган вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари
фаолияти тўғрисида маълумот**

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	Ўзгариш суръати, %
1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	14148,0	14447	102,1
2.	Кичик корхоналари сони	бирлик	1381,0	1452	105,1
3.	Микрофирмалар сони	бирлик	12767,0	12995	101,8
4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши				
	- ЯҲМ даги улуши	%	78,4	79,5	x
	- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	576542,0	795244,8	137,9
	жами саноатдаги улуши	%	42,8	48,8	x
	- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млн.сўм	1898390,4	2409744,0	126,9
	қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,2	x
	- Қурилиш ишлари ҳажми	млн.сўм	469820,0	672197,5	143,1

	<i>қурилишдаги улуши</i>	%	87,7	92,5	x
	- Чакана савдо ҳажми	млн.сўм	1145326,0	1318849,2	115,2
	<i>чакана савдодаги улуши</i>	%	44,8	45,5	x
	- жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млн.сўм	1260909,3	1773353,2	140,6
	<i>жаами хизмат кўрсатишдаги улуши</i>	%	61,7	63,5	x
5.	Иқтисодиётда бандликдаги кичик бизнеснинг улуши	%	80,7	81,4	x
6.	Кичик бизнесда маҳсулот экспортининг ҳажми	млн.долл.	33,2	34,5	103,8
7.	Кичик бизнесда маҳсулот импортининг ҳажми	млн.долл.	72,6	88,1	121,3
8.	Ҳудуд экспортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	48,6	48,1	x
9.	Ҳудуд импортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	62,0	74,4	x
10.	Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган янги ишчи ўринлари	бирлик	21856,0	32758,0	149,9
11.	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони	бирлик	10,3	10,4	101,0

2012 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 576,5 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлар ишлаб чиқилган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 795,2 млрд.сўмни ташкил этди. Кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши мос равишда 42,8 фоиздан 48,8 фоизга ортиши таъминланди.

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини таҳлил қилинганда соҳанинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,2 % (2012 йилга нисбатан +0,2 пункт кўп), қурилиш ишларида 92,5 % (+4,8), чакана савдода 45,5% (+0,7), пуллик хизматда 53,9 % (+0,3) ни ташкил этди (7-чизма).

2013 йилда кичик корхоналар томонидан экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2012 йилга нисбатан 103,8 фоизга ортиб, 34,5 млн.долларни ташкил этди. Бунинг натижасида вилоят экспортидаги кичик бизнес субъектларининг улуши 48,1 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган импорт амаллари 88,1 млн.долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 121,3 фоизга ортиши ҳамда вилоят жами импортдаги улуши 74,4 фоизга ортиши таъминланди (2012 йилда 62,0 %).

7-чизма

**Наманган вилоят кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг
худудий иқтисодиётдаги ўрни, % ларда**



Ҳисобот даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 32758 та янги иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар сони 722,8 минг кишига етди (иқтисодиётда банд аҳолининг 81,1 фоизи).

2. Вилоят маҳаллий бюджети шаклланиши ва ишлатилиш йўналишлари.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган

харажатлардан иборат бўлади. Ушбу умумдават харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши барчамизга аён.

Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланади, бу эса у ёки бу харажатни муайян бюджетга киритилишини аниqlатади. Бу биринчидан молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларида давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали таъсири тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз бериб туради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромадидан ташкил топади. Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу-давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон учун табиий ресурслар, сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маориф, касбни ўзгартириш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунда

мамлакатимиздаги мураккаб демографик вазиятни ҳисобга олинади, аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланмоқда. Ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш ва бюджет ташкилотларининг алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий-маданий тадбир харажатлари, аввало, лойиҳа параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларининг лойиҳа параметрларида кам таъминланган болали оилаларга тўланадиган нафақалар ва аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фарқни бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт».⁴¹

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, республикамиздаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожини маҳаллий бюджетлар харажатлари қисмида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси шу минтақадаги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Асосан, янги туманларда аҳоли сонининг ўсиши, турар жой-коммунал хўжаликни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш маҳаллий бюджетлар харажатларини ўсишини талаб этади. Маҳаллий бюджет харажатларнинг ўсиши янги қурилишлар қурилиши билан, турар-жой ва маданий-маиший объектларни сақлаш харажатларини ўсиши билан боғлиқ бўлади.

Айтиб ўтиш керакки, алоҳида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркиби бир хил бўлмайди ва шу минтақадаги турли даражада бўлган хўжалик ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Шунинг учун вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига бўйсинадиган маҳаллий саноат, турар жой-маиший хўжалик, савдо муассасаларининг маҳаллий бюджет харажатларидаги салмоғи анчагина. Вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига асосан ижтимоий-маданий муассасалар бўйсинади, шундан

⁴ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1996, 143-6.

келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;
- иқтисодиёт тури тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш;
- конун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш;
- конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркибида ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари жуда тез суръатларда фан, таълим, соғлиқни сақлашга харажатларнинг ошиши туфайли кўпаймоқда, бу эса шу бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа муассасалари кўпайиши ва илмий-текшириш ишларини кенгайтириши, маъмурий-территориал комплекснинг ривожланиши, маҳаллий хўжаликни бошқаришни автоматлаштирилиши билан боғлиқ бўлади. Бугунги кундаги харажат ваколатлари бўлиб қўйилганлик услубиёти тизимлашмаган шаклга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ҳудудий бошқармалар ўртасидаги келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш жараёнидаёқ кўзга ташланиб қолади.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги режадаги даромадларидан келиб чиқади, ҳудудлар эса ўз харажатларини режалаштиришда ўз эҳтиёжларидан келиб

чиқадилар, бу эҳтиёжлар табиийки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги режасидан ортиқча бўлади. Келишув жараёнида маҳаллий бюджетларнинг энг мақбул харажатлари режаси аниқланади, бу режа эса ҳар ҳолда даромад базасидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бюджетлар харажатларини меъёр асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги босқичда маҳаллий бюджетлар харажатларини жон бошига тўғри келадиган меъёрлар асосида соҳалар бўйича аниқлаш, бунда туман коэффицентларини ҳисобга олиш энг оддий ва алтернатив усул ҳисобланади.

Давлат бюджети маблағлари тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ бюджет маблағларини олувчилар томонидан молия йили давомида босқичма-босқич, муайян даврга ва тегишли суммага тайинлаш сертификатини расмийлаштириш йўли билан, республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги томонидан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва бошқа молия органилари давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Маҳаллий бюджет харажатлари объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан у ҳудуд халқ хўжалиги тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, бу харажатлар корхоналарнинг даромадларидан ташкил топади. Маҳаллий ҳокимият бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет тўғрисидаги Қонунда белгиланадиган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларига ҳудуд ҳокимияти, маҳаллий бошқарув органлари, молия-кредит органлари тизими орқали таъсир этиш тегишли маблағларга эҳтиёж

сезилган пайтдан сарф-харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр давомида юз бериб туради. Харажатларни режалаштиришда амал қилиниши лозим бўлган қоидалардан бири-бюджет маблағларини тақсимлашда комплекс мақсадли молиялаштириш ва барча даражадаги бюджет маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш учун пул маблағларини тақсимлашда мутаносибликка амал қилишдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини бюджет маблағларини (ассигнованиялари) тақсимловчиларига ва бюджет маблағи олувчиларига Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи, вазифа жиҳатидан таснифи, ташкилий таснифи кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини тўғрисидаги билдиришнома шаклда етказишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Наманган вилояти бюджетининг харажатлари ўзининг моҳиятига кўра маҳаллий бюджетларнинг харажатлари таркибига киради. Бу харажатлар туманнинг, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Умумий тарзда айтганда, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, исталган бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шу минтақа бюджетидан қилинадиган харажатларнинг миқдорига бевосита боғлиқ бўлади. Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг шу минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини кўрсатиш учун унинг харажатларини 2011-2013 йилларга тегишли бўлган маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилайлик. Таҳлил учун керак бўлган маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

**2011-2013 йилларда Наманган вилоят маҳаллий бюджети
харажатларининг таркибий тузилиши⁵**

Харажатлар номи	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йилни 2011 йилга нисбати	2013 йилни 2012 йилга нисбати
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	687 195,6	849 496,2	989 935,8	123,6	116,5
<i>шу жумладан:</i>					
<i>Маориф</i>	<i>420 217,8</i>	<i>530 173,8</i>	<i>639 224,0</i>	<i>126,2</i>	<i>120,6</i>
<i>Соглиқни сақлаш</i>	<i>165 269,4</i>	<i>198 891,3</i>	<i>239 681,7</i>	<i>120,3</i>	<i>120,5</i>
<i>Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари</i>	<i>3 649,6</i>	<i>4 321,1</i>	<i>5 768,4</i>	<i>118,4</i>	<i>133,5</i>
<i>Фан</i>	<i>308,3</i>	<i>376,5</i>	<i>516,6</i>	<i>122,1</i>	<i>137,2</i>
<i>Ижтимоий таъминот</i>	<i>1 860,3</i>	<i>3 398,9</i>	<i>4 143,8</i>	<i>182,7</i>	<i>121,9</i>
<i>Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар</i>	<i>95 890,2</i>	<i>112 334,6</i>	<i>100 601,4</i>	<i>117,1</i>	<i>89,6</i>
Иқтисодиётга харажатлар	29 762,1	37 397,5	39 722,8	125,7	106,2
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	33 843,8	27 187,7	47 467,7	80,3	174,6
Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш	5 901,9	964,5	12 647,0	16,3	1311,3
Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	13 849,6	18 897,5	25 888,7	136,4	137
Бошқа харажатлар	6 143,8	24 610,0	22 390,5	400,6	91
Харажатлар - жами	776 696,9	958 553,3	1 138 052,5	123,4	118,7

⁵ Жадвал Наманган вилоят бюджетининг 2011-2013 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган.

8-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлари харажатлар классификацияси асосида белгиланган йўналишларни молиялаштиришга мўлжаллангандир. Таҳлил қилинаётган 2011-2013 йиллар давомида вилоят бюджети харажатлари 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 123,4 фоизга ортган ва 958553,3 млн. сўмни ташкил қилган, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 118,7 ва 1138052,5 млн. сўмни ташкил қилган.

Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатлари таркибини таҳлил қилганимизда шунга гувоҳ бўламизки, харажатлар гуруҳлари давлат бюджети структурасига мувофиқ тенденцияларни акс эттирмоқда (9-жадвал).

9-жадвал

**Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатлари структураси, %
ларда**

Харажатлар номи	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	88,5	88,6	87,0
<i>шу жумладан:</i>			
<i>Маориф</i>	<i>54,1</i>	<i>55,3</i>	<i>56,2</i>
<i>Соглиқни сақлаш</i>	<i>21,3</i>	<i>20,7</i>	<i>21,1</i>
<i>Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари</i>	<i>0,5</i>	<i>0,5</i>	<i>0,5</i>
<i>Фан</i>	<i>0,04</i>	<i>0,04</i>	<i>0,05</i>
<i>Ижтимоий таъминот</i>	<i>0,2</i>	<i>0,4</i>	<i>0,4</i>
<i>Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар</i>	<i>12,3</i>	<i>11,7</i>	<i>8,8</i>
Иқтисодиётга харажатлар	3,8	3,9	3,5
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	4,4	2,8	4,2
Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш	0,8	0,1	1,1
Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	1,8	2,0	2,3
Бошқа харажатлар	0,8	2,6	2,0
Харажатлар - жами	100,0	100,0	100,0

Ўзининг салмоғи бўйича Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг харажатларида асосий салмоқни ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга харажатлар ташкил қилмоқда. 2011-2013 йилларда вилоят бюджетидан ижтимоий-маданий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳажми мос равишда 88,5; 88,6 ва 87 фоизни ташкил қилоқда. Иқтисодиёт харажатлари (мос равишда 3,8 %, 3,9 % ва 3,5 %) ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлари (мос равишда 4,4 %, 2,8 % ва 4,2 %) кейинги асосий харажатлар ҳисобланади. Бюджетнинг умумий харажатларига нисбатан бу кўрсаткичларнинг юқорилиги, бутун республикамизда бўлганидек, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини оширишга алоҳида эътибор берилганлиги аниқ кўриниб турибди. Бу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз: “...Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.”⁶

Бу нимадан далолат беради? Мамлакатимизда давлат бюджетининг 60 фоизга яқин харажатлари ижтимоий-аданий соҳаларга йўналтирилган, Наманган вилоят маҳаллий бюджетида эса бу кўрсаткич 87-89 фоизни ташкил қилмоқда. Маҳаллий бюджетлар ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини таъминловчи асосий манба ва бу жараёнда маҳаллий бюджетларнинг ўрни беқиёсдир.

Умуман олганда, юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар Янгиқўрғон бюджети харажатларининг қайси йўналишга сарфланганлиги тўғрисида умумий тасаввур берса-да, лекин уларнинг таркиби тўғрисида батафсил маълумот бера олмайди. Бунинг учун вилоят бюджети харажатларини ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиб

⁶ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 19 январ сони.

чиқмоқ зарур. Бу ишни биз бюджет харажатлари йўналишларининг эгаллаган ўрнига қараб амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлари структурасида ўзининг салмоғи бўйича биринчи ўринни ижтимоий-маданий тадбир харажатлари эгаллаганлиги учун биз таҳлилимизни ана шулардан бошлаймиз. Таҳлил учун зарур бўлган рақамлар 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

2011-2013 йилларда Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан ижтимоий-маданий тадбир харажатларининг молиялаштирилиши⁷

млн.сўм

Харажатлар номи	2011 йил	Салмоғи, %	2012 йил	Салмоғи, %	2013 йил	Салмоғи, %
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	687 195,60	100,0	849 496,20	100,0	989 935,80	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
<i>Маориф</i>	<i>420 217,80</i>	<i>61,1</i>	<i>530 173,80</i>	<i>62,4</i>	<i>639 224,00</i>	<i>64,6</i>
<i>Соғлиқни сақлаш</i>	<i>165 269,40</i>	<i>24,0</i>	<i>198 891,30</i>	<i>23,4</i>	<i>239 681,70</i>	<i>24,2</i>
<i>Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари</i>	<i>3 649,60</i>	<i>0,5</i>	<i>4 321,10</i>	<i>0,5</i>	<i>5 768,40</i>	<i>0,6</i>
<i>Фан</i>	<i>308,3</i>	<i>0,04</i>	<i>376,5</i>	<i>0,04</i>	<i>516,6</i>	<i>0,05</i>
<i>Ижтимоий таъминот</i>	<i>1 860,30</i>	<i>0,3</i>	<i>3 398,90</i>	<i>0,4</i>	<i>4 143,80</i>	<i>0,4</i>
<i>Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар</i>	<i>95 890,20</i>	<i>14,0</i>	<i>112 334,60</i>	<i>13,2</i>	<i>100 601,40</i>	<i>10,2</i>

10-жадвал маълумотларининг кўрсатишича 2011-2013 йиллар давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг ижтимоий-маданий тадбир харажатларини таркиби умумий таълим, ўрта-махсус таълим ва кадрлар малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маданият, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бўлган

⁷ Жадвал Наманган вилоят бюджетининг 2011-2013 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган.

харажатлардан иборат. Гарчи улар асосан, бир нечта гуруҳга бирлаштирилган бўлсада, бу ерда харажатларнинг асосий қисми 2 йўналишда сарфланганлиги яққол кўриниб турибди. Уларнинг биринчиси таълим соҳасини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлса, иккинчиси соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш харажатларидир. Шунингдек, кўп болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ҳам ижтимоий-маданий соҳа харажатлари таркибида йирик салмоққа эга бўлиб келмоқда.

Ўзининг салмоғи бўйича таълим харажатлари Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг таркибий қисмида, шунингдек ижтимоий-маданий тадбир харажатларининг ҳам таркибида ҳам асосий ўринни эгаллаб турибди. Таълим харажатларининг салмоғи таҳлил қилинган йиллар давомида ўзгариб турган бўлишига қарамасдан улар кейинги 3 йил давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг 61-65 фоиз қисмини эгаллаб келаяпти. Бу рақамларга таянган ҳолда вилоят бюджети харажатларининг ярмидан кўпроғи таълим соҳасини молиялаштиришга сарфланаяпти дейишимиз мумкин.

2011-2013 йиллар давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг каттагина қисми (24 фоиз атрофида) соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга сарфланлигини ҳам 10-жадвал маълумотлари яққол кўрсатиб турибди. Вазиятнинг бундай эканлиги вилоят миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларни яхшилашга катта эътибор берилаётганлигидан даракдир.

Шунингдек, 2011-2013 йилларда вилоят маҳаллий бюджетидан кўп болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар бўйича харажатлар ҳам асосий харажатлар ҳисобланиб келмоқда ва бу кўрсаткич 10-14 фоиз атрофида жами ижтимоий-маданий соҳа харажатларини ташкил қилмоқда. Бу ҳолатлар вилоят маҳаллий бюджетини ҳудудни ижтимоий ривожлантиришдаги аҳамияти нақадар улкан салоҳиятга эгаллиги яна бир исботидир, десак адашмаган бўламиз.

Яна шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, таҳлил қилинаётган йиллар давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан ижтимоий-маданий тадбир характериға эға бўлган маданият, фан, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва ижтимоий ҳимояға ҳам маълум бир харажатлар қилинган. Шундай бўлишиға қарамасдан, Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан маданият, фан, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларға нисбатан кам маблағларнинг ажратилганлигини шу бюджетнинг имкониятлари билан изоҳлашимиз лозим.

Энди Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан иқтисодиётға сарфланган харажатларни таҳлил қилишға ҳаракат қилайлик. Бу маълумотлар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

2011-2013 йилларда Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан иқтисодиётни молиялаштиришға сарфланган харажатлар таркиби⁸

Харажат турларининг номи	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
	млн. сўм	сал-моғи	млн. сўм	сал-моғи	млн. сўм	сал-моғи
Иқтисодиёт бўйича харажатлар, шундан:	29 762,1	100	37 397,5	100	39 722,8	100
Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи	10208,4	34,3	11219,3	30	12393,5	31,2
Уй-жой коммунал хўжалиғи бошқа харажатлари	2351,2	7,9	2991,8	8	3217,5	8,1
Уй-жой эксплуатация хўжалиғи	744,1	2,5	1159,3	3,1	1152,0	2,9
Иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилотлар ва корхоналар	3214,3	10,8	4786,9	12,8	5362,6	13,5
Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	625,0	2,1	1645,5	4,4	1986,1	5
Ободонлаштириш харажатлари	12619,1	42,4	15594,8	41,7	15611,1	39,3

⁸ Жадвал Наманган вилоят бюджетининг 2011-2013 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган

11-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2011-2013 йилларда Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан иқтисодиётни молиялаштиришга сарфланган харажатлар орасида ўзининг салмоғига кўра нисбатан каттагина қисмни ободонлаштириш ишларини (2011 йилда – 42,4%, 2012 йилда - 41,7%, 2013 йилда 39,3 %) амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тармоқларига йўналтирилган харажатлари (2011 йилда – 34,3 %, 2012 йилда – 30 %, 2013 йилда - 31,2%) ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминловчи корхоналарга йўналтирилган харажатлари (2011 йилда - 10,8%, 2012 йилда - 12,8%, 2013 йилда - 13,5%) эгаллаган. Уларнинг салмоғи таҳлил қилинаётган йиллар давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджети харажатларининг таркибида кам ўзгарувчанлик характериға эғалиғи билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, биз магистрлик диссертация ишимиз доирасида Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини кўрсатиш мақсадида Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг 2011-2013 йиллардағи харажатларини таҳлил қилиб, улардан тегишли хулосалар чиқаришға ҳаракат килдик.

Чиқарилган хулосалар ранг-баранг бўлиб, улар бир-бирларидан, маълум маънода фарқ қилса-да, лекин уларни умумий бир маҳражға келтириш мумкин. Бу шундан иборатки, кейинги 3 йил давомида Наманган вилоят маҳаллий бюджетидан ҳудудларини ижтимоий ривожланишини таъминлаш учун каттагина харажатлар қилингани, шубҳасиз. Улар бу жараёнда молиянинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади. Лекин, бизнинг фикримизча, ҳудудларни ижтимоий ривожланишини таъминлашда молиянинг роли фақат сарфланган маблағларнинг катта-кичиклиги ёки кўп-озлиги билан белгиланмайди. Бу жараёнда молиянинг роли бюджетдан сарфланган харажатларнинг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Бошқача айтганда, гап бу ўринда бюджет маблағларининг қай даражада мақсадга мувофиқ сарфланганлиги ва улар сарфланаётган пайтда уларнинг қайтими масаласи қай даражада инобатга олинганлиги хусусида кетаяпти. Бу тўғрида

биз магистрлик диссертация ишимиз навбатдаги бўлимида батафсилрок тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз ва бир вақтнинг ўзида маҳаллий бюджетлар харажатларини самарали ижросини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаймиз.

3. Вилоят бюджети фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида маҳаллий бюджетлар ўзининг муҳим ролини сақлаб қолади. Бунда фақат маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг янгича тартибини йўли билан ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш усулларигина ўзгаради. Бугунги кунда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланиши бюджетдан молиялаштириш ва дотациялар бериш усуллари билан эмас, балки иқтисодиётни молиявий тартибга солишга ўтишда имкон берувчи иқтисодий усуллар ёрдамида таъминланади. Маҳаллий бюджет маблағлари асосан аҳолининг заиф ва ижтимоий муҳофазага мухтож қатламларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашга, ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга ҳамда давлатимизнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга йўналтирилиши керакдир.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги энг асосий тамойилларидан бири бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. “Аҳолининг энг ҳимоясиз ва мухтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса, ўз навбатида, ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир» деб таъкидлайди Республика Президенти И.Каримов. Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгаришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётии барпо этиш мумкин. Пировард мақсад эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллионлаб оилаларининг муносиб турмуш кечириши учун шароит вужудга келтиришдан иборатдир. Айни мана шу нарса оқибат натижада давлатнинг қудрати ва бойлигини унинг сиёсий ва

иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, бозор механизмини жорий этишдан аввал инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, нафақахўр ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган oilаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш керак.

Бу ўз навбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг жами маҳаллий бюджет харажатларидаги салмоғи ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бу борада ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва ўз эгасига йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш ижтимоий муҳофаза тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим. Бундан ташқари нафақалар тайинлаш ва тўлашда боқимандаликка йўл қўймаслик зарур. Ушбу юқоридагиларга амал қилган ҳолда маҳаллий бюджет харажатларидан самарали ва оқилона фойдаланишимиз мумкин.

Бугунги кунда асосий ва айланма фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни бюджетдан молиялаштиришнинг роли сезиларли ўзгармоқда. Корхонларнинг ўз ресурслари ва қарзга олувчи ресурслари ишлаб чиқаришга инвестицияларни бюджетдан молиялаштиришни сиқиб чиқармоқда, аммо йирик мақсадли дастурларни бюджетдан молиялаштиришнинг аҳамияти сақланиб қолмоқда. Аввало бу табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилишини такомиллаштириш бўйича илмий лойиҳалар, тадбиркорликини ривожлантириш, бозор инфратузилмаси ва бошқа шундай тадбирлардан иборатдир.

Ушбу юқоридагиларга асосланиб, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳамда бюджетнинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришдаги роли ўзгармади, балки халқ хўжалигига йўналтириладиган бюджет харажатларининг шакли ва тузилишигина ўзгаради холос. Халқ хўжалигини

молиялаштиришга қилинадиган харажатлар таркиби ҳозирги пайтда иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига боғлиқдир. Бюджет маблағлари асосан жамият тараққиётига ёрдам берувчи устивор тармоқларни ривожлантиришга боғлиқдир. Бюджетдан молиялаштириладиган объектларни ва молиялаштириш усуллари танлашда давлат яқуний иқтисодий натижага асосланишига ҳаракат қилади. Бундан натижа сифатида эса ишлаб чиқариш жараёнларини мақбуллаштириш учун қўйиладиган бюджет маблағларидан келажакда фойда олиш утиради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетлардаги харажатларда ижтимоий-маданий соҳа объектларига харажатлар жуда юқоридир. Масалан, бошланғич ва ўрта мактабларда бюджетдан харажатлар Германияда барча харажатларнинг 1/4 қисмини, Япония ва Францияда 1/3 қисмидан кўпроғини, Буюк Британия ва АҚШда 40 фоиздан ортигини маҳаллий бюджетдан, шунингдек соғлиқни сақлаш ҳам молиялаштирилади. Масалан, бу соҳа учун харажатлар Финляндия, Швеция ва Норвегияда бутун бюджет харажатларининг 50 фоиздан ортигини ташкил этади. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларнинг фикрича, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбат қуйидагича бўлгани афзал давлат бюджети - 60 фоиз, тиббий суғурта - 30 фоиз, пуллик хизматлар - 10 фоиз.

Республикамизда ҳам ушбу ўлчовларга яқинлашиб бориш, яъни ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришда давлатнинг ролини сақланишига интилиш керак, чунки бу бевосита мамлакатда камбағалликни қисқартиришга ва кам даромадли аҳолини ижтимоий-маданий соҳа хизматлари билан таъминлашга, умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган баъзи тадбирларни самарали ҳал этишга имкон беради. Масалан, турли касалликларни тарқалишини олдини олиш ва уларга қарши курашиш ва бошқа кабилардир. Ўзбекистонда ҳам бу соҳаларни ривожлантиришнинг йўналишлари белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида,

Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилма соҳаларига капитал қурилиш ишларини амалга ошириш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларга назар ташлайлик.

Маҳаллий бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бюджет интизомии мустаҳкамлаш борасида 2003 йил 11 февралда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш буйича чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қатъий аҳамиятга эгадир. Бюджет маблағларининг белгиланган тартибда сарфланиши, улардан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида бюджет жараёнининг барча босқичларидаги интизом мустаҳкамланди, айниқса жойлардаги ишлар фаоллашиб, уларнинг самарадорлиги янада ошди. Биргина давлат ва бошқарув органлари харажатларининг камайтирилиши ва бюджет муассасаларига хизмат кўрсатувчи енгил автомобиллар паркиннинг 55 фоизга қисқартирилиши республика бўйича 3.3 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағларини тежаш имкониятини берди.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри солиштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб тушишини кўпайтириш ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар. Чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджет маблағларидан режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажарилишига имкон яратади. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминотга доир тадбирлар ва хоқозалар молияланади.

Бюджет тизими ижросини самарали таъминлаш жараёнида ғазначилик тизимнинг назорат функцияларини янада такомиллаштириш, яъни барча

даражадаги бюджетлар ва улар ўртасидаги муносабатларни институционал ва ҳуқуқий-меъёрий тартибга соладиган тизимнинг яхлитлигини таъминлаш, бюджет тизимининг барча даражаларида ягона ташкилий ҳуқуқий базалар, стандартлар ва бюджет технологияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатни модернизациялаш ва давлат бюджети тизимидаги ислохотларнинг марказида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши ва харажатларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетлар билан республика бюджети ўртасидаги муносабатларни самарали ташкил этиш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш, бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, маҳаллий бюджетларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрнини ошириш масалалари туради. Маҳаллий бюджетларнинг ривожланиши ва барқарорлигини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги аҳамиятга моликдир.

Бу борада Президентимизнинг фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди».⁹

Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар молиявий манбаларини мустаҳкамлаш йўналишлари ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш учун маҳаллий бюджетларнинг ўз ва бириктирилган даромадларини ошириш; давлатнинг марказлашган молиявий ресурсларидан фойдаланиш

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995 йил, 208-бет.

самарадорлигини ошириш, бюджетлараро муносабатларни мукаммаллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш, ҳудудий иқтисодиёт муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини берувчи маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида айнан шундай ёндашувлар мужассамлашган.

Фикримизча, Бюджет кодексининг қоидалари қуйидаги масалаларни самарали ечимлари учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратмоқда:

- маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджетга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга ва рағбатлантиришни таъминлаш. Ҳақиқатдан ҳам, маҳаллий бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинadиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари учрамоқда;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг устиворлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилларидан бири - аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланаётган тўловлар ҳажми ошиб бормоқда;

- маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларнинг ошиб бориши.

Салкам олти йилдан буён жаҳонда молиявий инқироз давом этаётгани, кўплаб мамлакатларда ижтимоий соҳага эътибор тобора пасаяётгани, мавжуд иш ўринлари қисқараётган бир даврда, мамлакатимизда жуда катта эътибор инсон омилига, унинг ижтимоий ҳимоясига, мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшлар масаласига ва ижтимоий масалалар ечимига қаратилмоқда.

Ҳар йили мамлакатизда ялпи ички маҳулотнинг 10-12 фоизи таълим тизимига йўналтирилаётганлиги ёи давлат бюджетининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганлиги, бунда таълим тизимига сарфланаётган қисми 35 фоизни ташкил қилиши, йилига 1 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилаётганлиги мамлакатимизда инқироз шароитида олиб борилган оқилона стратегиянинг натижасидир.

III боб. Мавзуни ўқитиш методикаси.

1. Маъруза машғулотининг методикаси

**Мамлакатни модернизациялаш шароитларида
Мавзу. ҳудудлар ижтимоий ривожланишида маҳаллий
бюджетларнинг роли**

1.1 Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси.


Ўқитиш вақти – 2 соат	Намунадаги ауталаблар сони: 30-60 нафар
Ўқитиш шакли	Бинар маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва зарурлиги 2. Маҳаллий бюджетлар шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари 3. Маҳаллий бюджетлар ҳудудлар ижтимоий ривожланишини модернизациялашдаги роли 4. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари. 5. Солиқ тизими ва унинг вазифалари. 6. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари.
Ўқув машғулотининг мақсади: бюджет маблағларининг шаклланишида солиқларнинг ўрни борасидаги ва мамлакатни модернизациялаш шароитидаги билимларни чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: - маҳаллий бюджетларнинг моҳиятини ва вазифаларини тавсифлаб бериш ; - бюджет, бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари тушунтириш; - категорияларининг мазмуни билан таништириш; - солиқ, солиқ тизими ва унинг вазифаларини баён қилиш; - Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари билан таништириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - маҳаллий бюджет тушунчасига таъриф беради, вазифаларини санаб беради; - бюджет ва бюджет тизимида таъриф бериб, унинг тақчиллиги сабабларини санайди; - солиқнинг мазмунини ва вазифаларини айтиб бера олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Бинар, эссе,
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр
Ўқитиш шакли	Фронтал, коллектив, индивидуал

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1 Мавзунинг мақсади, режаси ва ўқув натижалари билан таништиради. 1.2 Машғулотнинг бинар (2 киши) тарзда ўтишини эслатиб, мутахассис билан таништиради (мазкур ҳолда Молия кафедраси ўқитувчиси). 1.3 Пул билан боғлиқ тушунчалар борасида тезкор савол-жавоб ўтказади. 1.4 Маъруза сўнгида “Эссе” ёзишни тайинлайди.	1.1. Эшитадилар ва ёзадилар. 1.1. Жавоб берадилар. 1.2. Топшириқни оладилар.
